

**ИСМОИЛ ТҮХТАМИШЕВ**

**Ҳ А Д**

**Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2005**

*Истеъдодли шоир Ислом Тўхтамишевни шеърият муслисларига танишиширишга эҳтиёж бўлмаса керак. У шеърий тўпламлари, дастонлари ва қўшиклари билан китобхонлар ҳалбини аллаҳачон забт этиган.*

*Эҳтиросли лирик кечинмалар, ўтирир фалсафий мушоҳадалар, оригинал ташбех ва тимсоллар – шоир ижодига хос фазилатлардир.*

*«Ҳад» деб номланниб, зътиборингиизга ҳавола этилаётган муаллифнинг ушибу китобида унинг замон ва макон, севги ва садоҳат, эзгулик ва ҳақгўйлик туйрулари теран таранинум этилган янги шеърлари жамланган. Азизлар, шоирнинг шеърият бўстонига марҳабо!*

*Масъул мухаррир  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

ISBN 5-63301789-7

© Ислом Тўхтамишев. «Ҳад».  
«Янги аср авлоди», 2005 йил.

## **ВАТАН**

Сарҳадлари пурвиқор, юксак,  
Эшдир унга ёрқин келажак,  
Кўксимида лов ёнган юрак  
Зарбларидан бошланар Ватан.

Садосидир жўш урган қоннинг.  
Ибтидоси қучилган шоннинг,  
Танти, ўқтам ҳар қиз, ўрлоннинг  
Қалбларидан бошланар Ватан.

Нола чекса бағир бўлар хун,  
Ҳар бир гарди тўтиёдир чин,  
Керак бўлса қарич ер учун  
Ҳарбларидан бошланар Ватан.

Курашлардан олмаган ҳадик,  
Ўлимга ҳам боқа олган тик,  
Шоирларнинг гулдан ҳам нозик  
Таъбларидан бошланар Ватан.

Нурашфондир тонглари отган,  
Кўнгилларга умид уйроттан,  
Ер айланиб қуёшим боттан  
Фарбларидан бошланар Ватан.

Назокатли гулгун баҳорнинг,  
Масканидир ғуурнинг, орнинг,  
Садоқатли севимли ёрнинг  
Лабларидан бошланар Ватан.

Бепарволар бўлиб қолсак гоҳ,  
Муқаддасдир дея саждагоҳ,  
Пайғамбарлар айлаган огоҳ  
Гапларидан бошланар Ватан.

## ҲАД

Холини билганинни дейдилар «Ҳормас»,  
Ҳадди сирмай ишнинг олдига бормас.

Меъёр бузилмаса ҳаётда, зинҳор,  
Ҳар қандай дардга ҳам топилгуси кор.

Тоғу-тош мангута ичилган қасам,  
Чек бордир ҳаттоти виқорлиқда ҳам.

Мозийлар сасига қулоқ тутгум жим,  
— Устун бўлмагандир дунёга ҳеч ким.

Ҳақиқат кўзига боқа ол тикка,  
Ҳирс қўйма ҳеч қачон шонга, бойликка.

Ерга тенг қиласи қадрингни шу зум,  
Ҳаддидан ортиқча бўлсанг камсуқум.

Камтарлик, хоксорлик толедан тортиқ,  
Мақтov ҳам панд берар ҳаддидан ортиқ.

Манманлик, киборлик ҳаддан ошмасин,  
Ғазаб чегарадан минбаъд тошмасин.

**Кўнгилнинг ўзидан тўлгани яхши,  
Ҳар ишда адолат бўлгани яхши.**

**Этилмас эди ҳеч бу дунёда қад,  
Агар мезон бўлса ҳар бир ишда ҳад.**

## **ЭРТАГА КЕЧ БЎЛИШИ МУМКИН**

**Ўтмай қолса кўзинг нарига,  
Қулаш мумкин жарлик қаърига,  
Бу кунларни еттин қадрига,  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Алмашади баҳорлар, қиплар,  
Барҳам топар мушкул, ташвишлар,  
Улгур қилиб савобли ишлар,  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Жой олмасин дилингдан қаҳр,  
Ўз-ўзингдан қилма кўп фахр,  
Бу ҳисобли дунёдир, ахир,  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Ўртамасин рашик, ҳасад жонинг,  
Судралмасин лаҳзаю онинг,  
Яхшилик қил бўлса имконинг,  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Бу ҳаётда кўпдир зўрдан-зўр,  
Нола чекма, пешонам деб шўр,  
Муроса қил, кўп ҳам бўлма ўр.  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Тоиталмасин номусинг, оринг,  
Қатъий бўлсин аҳдинг, ҳароринг,  
Баҳам кўргин дўст ила боринг.  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Нафас чиқар бир нафас кириб,  
Берид кўяр гоҳ соилик фириб,  
Қон-қардошдан ҳол сўра юриб,  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

**Яшамоқ ҳам асли имтиёз,  
Ўй, заковат инсонларга хос,  
Эй, Исмоил, ёниб шеърлар ёз,  
Эртага кеч бўлиши мумкин.**

## **ҚИЛГИН ШУКРОНА**

**Куны бўйин ўйга ботаман,  
Олисдан келади садолар.  
Тунлари тўлғониб ётаман,  
Дилимни эзади хатолар.**

**Атрофимга соламан қулок,  
Кимдир ором олар бепарво.  
Юракни ғижимлар ўй, фироқ,  
Нафасимга етишмас ҳаво.**

Бу беадад қадим дунёга  
Юргандайман узоқ йўл босиб,  
Интилсам-да нурга, зиёга,  
Ворис йўқдир бирор муносиб.

Алам қилар ишим, халойик,  
Жилмагайдир ҳеч олға, нечун?!  
Бўлгандирман жазога лойик,  
Қай бир қилган гуноҳим учун?!

Урчигайдир дилим қатида,  
Уя қурган шубҳа, гумонлар.  
Эзиламан ҳуда-бехуда,  
Ҳалқумимга тиқилар жонлар.

Мени кўрса сақлагай сукут,  
Қачонгача баҳт, омад, Она?!  
— Кўзинг очик, қўл, оёғинг бут,  
Яраттанга қилгин шукрона.

## ВИЖДОН АЗОБИ

Онамнинг ҳолидан олмадим хабар,  
Дилимга чўккандир гинаю қадар,  
Гоҳида қиласман ўзимдан ҳазар,  
Юзимни ювади кўзим селоби,  
О, виждон азоби, виждон азоби.

**Кўкларни қўмсайди доим эркин қуш,  
Бошларим тарк этган гўё ақли-ҳуш,  
Бирор ҳеч демагай осмонлардан туш,  
Қочган деб эшитдим синглимнинг тоби,  
О, виждан азоби, виждан азоби.**

**Бу кунга келганмиз шонли йўл босиб,  
Буюкроқ бўлардик аҳд этса насиб,  
Фарзандлар бўлмагай гоҳо муносиб,  
Умрига заводир гулоб, шароби,  
О, виждан азоби, виждан азоби.**

**Манфаат йўлида сендан-да кечдим,  
Дунёнинг сирларин ўзимча ечдим,  
Ноҳақни ҳақ дея қасамлар ичдим,  
Холим кўриб ошди укам хуноби,  
О, виждан азоби, виждан азоби.**

**Баъзан нажот кутди мендан дўсти-ёр,  
Лекин дардларига изламадим Кор,  
Яхшилик қилсан гар эслатдим такрор,  
Миннатли ишнинг ҳеч тегмас савоби,  
О, виждан азоби, виждан азоби.**

**Арzonга сотилди садоқат, вафо,  
Дунёда чеккан кўп беҳуда жафо.  
Ҳатто яхши гапни кўрмадик раво,  
Бўлгимиз келмагай инсофга тобе,  
О, виждан азоби, виждан азоби.**

Яхшия м сен борсан ҳушёр, бокира,  
Умримга ойнасан, ҳеч тортма хира,  
Ўттан кун одамдан ёдгор, хотира,  
Қилинган ҳар ишнинг бордир ҳисоби,  
О, виждон азоби, виждон азоби.

Менинг-қу билганим шитоблар бўлди,  
Дардимни тинглаган бетоблар бўлди,  
Дил рози йирилиб китоблар бўлди,  
Ҳаётим парчаси унинг ҳар боби,  
О, виждон азоби, виждон азоби.

Олисларга маҳзун термуламан жим,  
Юрагим кемирар оғриқлар сим-сим,  
Бир умр мен сенга қилурман таъзим,  
Ўзингсан кўнгилнинг нури, офтоби,  
О, виждон азоби, виждон азоби.

Биз билан ҳамнафас бирга юравер,  
Дилни ўртаб майли ўтга уравер,  
Диёнатта мудом чорлаб туравер,  
Кўриниб қолди чин умрим сароби,  
О, виждон азоби, виждон азоби.

## О, ҲУР ҚИЗЛАР

*Косон туманига қараши Пудина  
қишлоғидаги Шайх Қусам Ота  
зиёраттожидаги гүмбазлардан  
бири остидаги қабрларни  
«Ҳур қизлар қабрлари» дейишади.*

Гард қўнмаган хаёлларига,  
Ойдек ёрут жамолларига,  
Илҳақдир Ҳақ висолларига  
О, ҳур қизлар, бокира қизлар.

Интилганлар ҳар он зиёга,  
Айланганлар меҳригиёга,  
Устундирлар асли дунёга  
О, ҳур қизлар, бокира қизлар.

Кўнгил берган урфга, одатта,  
Содик ўттан паймонга, аҳдга,  
Тимсол бўлган сабр, тоқатта,  
О, ҳур қизлар, бокира қизлар.

Чулғанганлар мангу нурларга,  
Солиҳдирлар онг, шуурларга,  
Сирмагайлар тасаввурларга,  
О, ҳур қизлар, бокира қизлар.

Кўпдир бугун Отинойилар,  
Бойликка ўч хотин-оийилар,  
Сўраб бўлмас зотин оийилар,  
О, ҳур қизлар, бокира қизлар.

Эътиқоддан сал кетдик йироқ,  
Дилни ўрттар озгина фироқ,  
Қаноатдан берингиз сабоқ,  
О, ҳур қизлар, бокира қизлар.

## ИФТИХОРИМ ҚЎРГОНИДИРСАН

*Қарши шаҳрининг 2700 йилигига  
батишиланади*

Қаршим — халқим тан-жонидирсан,  
Ҳам шавкатли, ҳам шонидирсан,  
Бахтимга бўл доимо омон.  
Ифтихорим қўргонидирсан.

Босган йўлинг олис ва узоқ,  
Келажагинг ҳамиша порлоқ,  
Фурурларга тўламан ҳар чоқ,  
Кўксим баланд осмонидирсан.

Оlam аро кўрсатибсан бўй,  
Бутун қутлут ёшинг, катта тўй,  
Шоирларга бермагансан рўй,  
Битилмаган достонидирсан.

Гулла, яшна, эй шаҳри азим,  
Манзилгоҳим азалий, қадим,  
Қилай сенга минг қуллук, таъзим,  
Муруватлар маконидирсан.

Яратмоқлик ишқи -ла ёнган,  
Ўз-ўзига мудом ишонган,  
Юрт бошимни меҳридан қонган,  
Бойликларнинг чин конидирсан.

## ЎЗИНГТА ҚАЙТАМАН ҲАЁТ

Олдинга интилдим бир лаҳза тинмай,  
Тингладим юрақдан ёрилган сасни.  
Йўл босдим тақдирнинг ҳукмига кўнмай,  
Йиллар юволмади орзу, ҳавасни.

Ҳақ сўздан ёрилди балолар ҳам гоҳ,  
Бирор юпаттанмас бошимни силаб.  
Муҳаббат бобида тенгдир гадо, шоҳ,  
Яшадим ҳаммага яхшилик тилаб.

Меҳримни бахш этдим керақдан ортиқ,  
Адашиб гоҳ номард этагин тутдим.  
Наилож, бу феълим Оллоҳдан тортиқ,  
Ишончдан қадамда зардоблар ютдим.

Ўқтам бўлмаса-да, айтар сўзим бор,  
Шунга ҳам шукронга дедим бир умр.  
Ҳеч қачон бўлганмас дунё менга тор,  
Ҳақиқат йўлимни ёритгувчи нур.

То уриб тураркан кўксимда юрак,  
Вақтнинг шиддатига йўқ зътиrozим.  
Келтириб бўлмагай синоатта шак,  
Ҳаётнинг ўзиdir улуғ устозим.

**Баҳраманд зурмэн зakovatiдан,  
Мен уни донишманд, даҳо деб билдим.  
Жой олган бўлсан гар қатра ёдидан,  
Умримга берилган баҳо деб билдим.**

**Манфаат, мансаб деб изламадим кор,  
Бахш эттай эзгулик қайрилмас қанот.  
Иродам синаиди такрор ва такрор,  
Умримнинг рамзиdir қаноат, сабот.**

**Гоҳида ўлтириб ўйга толаман,  
Хоргин титкилайман масъум ҳатларни.  
Мозий садосига қулоқ соламан,  
Ҳақ инкор этади қабоҷатларни.**

**Дунёning бағрида мужассам сеҳр,  
Инсон шарафлагай ҳар дам номини.  
Шогирд қўйса агар устозга меҳр,  
Унга йўналтирас эҳтиромини.**

**Янгилик яратмоқ эмасдир осон,  
Бу ҳаёт сир-асрор, мазмунга тўлур.  
Минг бир чиририқдан ўтказиб замон,  
Устозни дегандир отангдай улур.**

**Дунёning камига бўламан деб кор,  
Ўзимни ўтларга урганилигим рост.  
«Вақтингни ўтказма бехуда, бекор»  
Деган ўйтларга қўйганман ихлос.**

Юксакларга мудом қадалган кўзим,  
Сарҳисоб қилурман қиши, ёзларимни.  
Мақбул бўлса агар бирорта сўзим,  
Пойига бош ургум устозларимни.

Бу сўз қалом каби азиз, мўътабар,  
Ҳар дилга ҳамиша эзгулик тилар.  
Бирорта даврада гап кетса агар,  
Номимни тутгувчи мард ҳам топилар.

Бутун жўнлашгандай устоз-шогирдлик,  
Ҳеч гапмас қўлдан баҳт, иқбол кетиши.  
Устоздан олинмас заррача ҳадик,  
Шогирд-чун муҳим иш осон битиши.

Ҳатто ўзгаргандир мерос, ворислик,  
Бировни қийиндир солмоқлик йўлга.  
Толибин кўзига боқолмайди тик,  
Қараб қолган бўлса Устоз ҳам қўлга.

Хайрият, бойлик деб жон эмас ҳалак,  
Ёшлиқдан йўғрилдим пастдан, камлиқдан.  
Кўкка боқиб дейман асрагин фалак,  
Мутелиқ, ялторлик, муттаҳамлиқдан.

Саболар бошларим силайди майин,  
Ҳар дилга ёқ дейди зиё, чироқни.  
Шогирдман деганинг оғмори тайин,  
Учроттанда сендан омадлироқни.

Армонлар урчийди кўксимда қотган,  
Муқаддас билганим таҳдириланар шаън.  
Лаҳзалик шон учун устозин сотган.  
Кўнгил қолаётир кўп шогирдлардан.

Дунё ҳам кўз олдда қолгандай чўкиб,  
Садоқат уйлари бўлгандай барбод.  
Ёниқ дардларимни согали тўкиб,  
Яна мен ўзингта қайтаман, ҳаёт.

## ОНАЖОНИМ БОР

Бошларида оқ ҳарир рўмол.  
Кўзларида мужассам савол,  
Кўрмасин дер фарзандим завол,  
Қандай гўзал Онажоним бор.

Ўзга дилга бўйламагай ҳеч.  
Фийбат гапни сўйламагай ҳеч,  
Ўзларини ўйламагай ҳеч,  
Қандай гўзал Онажоним бор.

Чумолига бермаслар озор,  
Тутадирлар ўзни ҳокисор,  
Ҳар бир дардга излагайлар кор,  
Қандай гўзал Онажоним бор.

Дейман: Оlam тургунча туринг,  
Ўрил-қизнинг камолин кўринг,  
Бахтимизга саломат юринг,  
Қандай гўзал Онажоним бор.

## **БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАШ**

Бошимга не тушса ичимга ютгум,  
Дардимни айтмасам ёниб ҳеч кимга.  
Хаёлга толганда ўйчан ва маъсум,  
Бир лаҳза қайттайман болалигимга.

Олислаб кетаман ғам, андуҳ ариб,  
Қўмсагум беғубор осмонларини.  
Ўртанча опамлар овоз чиқариб,  
Ўқиган «Алломиш» достонларини.

Илтижо қилганман енгсин деб ҳар дам,  
Боримни чуллагай ҳаяжон, ҳадик.  
Китоблар ўқишдан эрин мас опам,  
Бизлар ҳам тинглашдан чарчамас эдик.

Тақдирнинг бешафқат ҳукмига қўнимай,  
Толмасдик мардларга омад тилашиб.  
Донмо кўмакка бизлар эдик шай,  
Кеттунча уйқута кўзлар илашиб.

Эрта тонг уйрониб югуриб, елиб,  
Эриймай ўқишга шошардик ҳар кун.  
Эришдик илмга ҳар он интилиб,  
Муқаддас жой эди мактаб биз учун.

Дарсларни тинглардик ҳамма бирдай, тенг,  
Ҳеч ким топтамасди ўксик дилимни.  
Ўқи деб уқтирган дунё сатҳи кенг.  
Она деб билардим муаллимимни.

**Гоҳ мижжа коқмасдан ўйга толаман.  
Тору-тош дош бермас нолаларимга.  
Баъзида қараблар ҳайрон қоламан,  
Мактабни хушламас болаларимга.**

**Бегубор кўнглини қоплагандай занг,  
Хира тортгандайин орзую ҳавас.  
Китоб жавонида босиб ётар чанг,  
Эртак, достонларни ҳеч ҳам ўқимас.**

**Юксалиш керакдир ҳар ишда мутлок,  
Кўкларга бўй чўзгай эзгу ниятлар.  
Такомил топгуси инсон ҳам, бироқ,  
Дилин тарк этмасин самимиятлар...**

**Умр деганига бергим келмас тан,  
Ўтган кунларимнинг бағри лолалик.  
Топмасман мен ёниб излаган билан,  
Барибир қўмсагум сени, болалик.**

\* \* \*

Дарё тўлиб, сой, анҳор тошгай,  
Ваҳм босиб одамлар шошгай,  
Ёмир тинмай, ҳаддидан ошгай,  
Булутларни ҳайдаб кет, шамол.

Ёмирга ҳам қолмади маъни,  
Топталгандаи тирик жон шаъни,  
Қўймагай ҳеч кўз очдиргани,  
Булутларни ҳайдаб кет, шамол.

Қуёш сочмай қўйди ёғду, зар,  
Намгарчилик келтиргай зарар,  
Қон босимим ошгай муқаррар.  
Булутларни ҳайдаб кет, шамол.

Мунтазирман ёрнинг йўлига,  
Аҳд-вафоси борнинг йўлига,  
Менсиз дунё торнинг йўлига,  
Булутларни ҳайдаб кет, шамол.

Нима қилди қадди дол дехён,  
Кўкка бокиб юрак, бағри қон.  
Мушкулини ўзинг эт осон,  
Булутларни ҳайдаб кет, шамол.

Ошиқ дилнинг ёғилар зори,  
Камнамодир дўсти, ҳамкори,  
Ҳар нарсанинг яхши меъёри,  
Булутларни ҳайдаб кет, шамол.

## **СИЗНИ КҮРГИМ КЕЛАВЕРАДИ**

Ожизлигим ўзимга маълум,  
Гоҳ тап тортмай йиғлайман юм-юм,  
Ёш болага айланиб масъум,  
Сизни кўргим келаверади.

Ҳамон қилни қирқча ёрарсиз,  
Кўз олдимда чарчаб, ҳорарсиз,  
Кундан-кунга чўкиб борарсиз,  
Сизни кўргим келаверади.

Қаршингизда ер чизаман жим,  
Гўё олдга жилмас изларим,  
Гарчи ёнда ўтил, қизларим,  
Сизни кўргим келаверади.

Бу дунёда ситам, йиғи бор,  
Бағир тилар ҳижрон тири бор,  
Висолнинг ҳам айрилиги бор,  
Сизни кўргим келаверади.

Борлигингиз ўзи бир давлат,  
Бўй чўзади орзулар қат-қат,  
Юрсам ҳамки тўкиблар савлат,  
Сизни кўргим келаверади.

\* \* \*

Кўп беҳуда елиб-елганман,  
Ютиб юрак хитобларини,  
Ўз умримда яхши билганман,  
Йўқотишнинг азобларини.

Йўлдош бўлган аччиқ ўй, фироқ,  
Кўкни қучган юрак унларим,  
Мен яшадим жуда ҳам узоқ,  
Илларга тенг бўлган кунларим.

Тақдиримга лаънатлар айта,  
Қиёс йўқдир чопганиларимга...  
Эркам, сени ҳаётда қайта  
Ишонмасман топганиларимга.

\* \* \*

Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Арилар бўсалар олди лабимдан.  
Рашқ ўти вужудим ёндириди сим-сим,  
Андуҳлар жой олди сўник қалбимдан.

Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Бўйингдан энтикиб ҳаприқди юрак.  
Шул дам маст уйқудан уйрониб масъум,  
Кўкларга йўл олди ошиқ капалак.

Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Кеч қолдинг дегандай бир оз эгачи.  
Парвона эрурман ахир мен қадим,  
Чарх урди самода шайдо ниначи.

**Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Кўнгилда жўш урди дунё севинчи.  
Савдоий булбул ҳам куйлади бир зум.  
Эмассан дегандай сен ҳам биринчи.**

**Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Писандмас деб энди ҳеч қандай синов.  
Бошимга ургандай бўлди аллаким,  
Устимдан очиқча кулгандаи бирор.**

**Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Зил кетиб ичимдан ёндим, ичиқдим.  
Кўзимни олиста маъюс тикдим жим,  
Мен ҳар гал кечикдим, доим кечикдим.**

## **ЯШАГИМ КЕЛДИ**

**Айттан гап, сўзларим дилга ўт ёқмас,  
Баҳт ва омад менга кулиблар боқмас,  
Озгина танбалман, бир оз ишёқмас,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келди.**

**Қувончим дўст ила кўурман баҳам,  
Олдинга зил, оғир силжийди қадам,  
Юзларин ўтирган дўсту ёрлар ҳам,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келди.**

**Хуломадни зарра кўрмагайман эп,  
Шунданadir юраман қадамда панд еб,  
Ортиқча чиранманг илк севгимсан деб,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келди.**

Кўнгиллар нур эмгай ҳақдан, зиёдан,  
Дардлар малҳам топгай меҳригиёдан,  
Мен тўйиб кеттаниман ёлрон, риёдан,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келди.

Уқувсиз эканим ўлтирманг санаб,  
Бир сулув кеттандир дилга ўт қалаб,  
Имкондан ортигин қилманиз талаб,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келади.

Кесатиқ мужассам саволингизда,  
Нелар чарх ургайдир хаёлингизда,  
Айбимни фош этдим, ихтиёр Сизда,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келди.

Қасдма-қасд интилдим дили озорга,  
Дунёни айлаган бир умр торга,  
Оқибат шайландим қатъий қарорга,  
Сизни ҳеч алдамай яшагим келди.

\* \* \*

Сизга йўлдош қилди тақдири азал,  
Бир умр мен билан ҳамроҳ, ҳамкорсиз.  
Жавобига кўп ҳам қилмассиз маҳтал,  
Ҳар қандай саволга шайсиз, тайёрсиз.

Кўнгилни қилгайдир қай бир хислат ром,  
Мудом кўзи кўрдир ишқ, муҳаббатни.  
Дилларим олмагай бир лаҳза ором,  
Кўрмасдан ўттайман меҳр, шафқатни.

**Садо келгандай гоҳ: Эй, инсон ўғли,  
Омонат дунёда меҳмон барингиз.  
Умрнинг згови — севги маҳсули,  
Сиздан таълим олган дилбандларингиз.**

**Ҳиссангиз мўл умрим заволларига,  
Илонми дунёга келган йилингиз.  
Ҳатто эрк беролмас хаёлларига,  
Сизга содик ўтган Исмоилингиз.**

## **ЮКСАКЛИК ГАШТИ**

**Бу дунёning ишлари чигал,  
Четлаб ўттай омад биронни.  
Синовлари бўлмагай тугал,  
Тўғри келар енгишга ронни.**

**Барчасига чидаиди, неттай,  
Кам топилар қўл чўзган холис.  
Оёқлари қавариб кеттай,  
Еттунича манзилга олис.**

**Интилади дарёдай тошиб,  
Бир неча бор синса-да шашти.  
Лекин ўзи чиққан тирмасиб,  
Бўлакчадир юксаклик гашти.**

## **СЕНГА ЙЎЛ БЎЛСИН**

Ҳақни мен дегандим умрим мазмуни,  
Номини минг тавоғ этдим ҳар куни,  
Юксакдан ёрилди юраклар уни;  
— Мен излаб топмадим, сенга йўл бўлсин.

Куончаклик асли феълимдан тортиқ,  
Билмасман нелигин ҳаловат, ҳордиқ,  
Ардоқлаб келсам-да жонимдан ортиқ,  
— Мен излаб топмадим, сенга йўл бўлсин.

Васидан мосуво, сайронадирман,  
Гоҳида эгилдим — ҳайронадирман,  
Бир умр эзилган вайронадирман,  
— Мен излаб топмадим, сенга йўл бўлсин.

Бир боқиб боримга қалаён солди,  
Мангута ҳаловат, тинчим йўқолди.  
Кимдир унга етмас, кимдир етолди,  
— Мен излаб топмадим, сенга йўл бўлсин.

## ҲОЛАТ

Бутун ташвишлардан толғандайман сал,  
Сўнган шамларимга боқаман маҳзун.  
Суловни кутмасман орзиқиб маҳтал,  
Топталган виждан ҳам бағрим қилмас хун.

Писанд қилмагайман дили зорларни,  
Ишонч, эътиқоддан кеттаниман тониб,  
Қўлини сиқаман амалдорларни,  
Ютуғин кутлайман мўлтираб, қониб.

Юпанч топмагайман тоқат, саботдан,  
Суяниб қолганман хатта, хабарга.  
Рўшинолик кутмасман энди ҳаётдан,  
Кўнглимни очаман хотираларга.

Манфаат деб ёлғон чайналар чиндай,  
Нигоҳим тортмагай бепоён қирлар.  
Чадмоқдан кейинги қўзиқориндай,  
Кўпайиб бормоқда дил ёқмас шеърлар.

Куй, қўшиқ кўнгилга солмас ғалаён,  
Манзилга етгум йўқ сўқмоқлар ошиб.  
Ларзакор ҳаётда яшашта осон,  
Мен ҳам борадирман ҳар он мослашиб.

Югуриб елганим кеттандир бекор,  
Куй бўлди турганим парвозларга шай.  
Дўстим, кўчаларда келсак ҳам дучор,  
Сен ўтиб кетасан мени танимай.

## ИЗЛАГАНИНГ БАХТ...

*Шоира Адиба Умировага*

Йўлдошингдир  
бир умр заҳмат,  
Дил очмассан  
юрагинг бетлаб.  
Орзуларинг  
дилингда қат-қат,  
Бир оз ўттай  
омадлар четлаб.

Кам эмассан  
бировдан асло,  
Сен ҳам ҳавас  
қулисан ахир.  
Меҳр-шафқат  
юрагингда жо,  
Қишлоқ, даланг  
ҳамиша фахр.

Паст олмассан  
ўзни ҳеч кимдан,  
Ардоқлайсан  
касбу корингни.  
Ногаҳонда  
бир шоир зимдан,  
Чертиб ўтди  
кўнгил торингни.

Кўзларингда  
шу лаҳза гулгун,  
Чирой очди  
бу гўша, маъво.  
Узун тунлар  
чексанг ҳамки ун,  
Қилмагайсан  
ошиқлик датво.

Дединг: дунё  
бахтга чулгансин.  
Гуллаб очсин  
янада чирой.  
Майли бағрим  
ҳижронда ёнсин,  
Садоқатим  
рамзи бўласин ой.

Гоҳо ювгай  
юзларингни нам,  
Ўзингдирсан  
ўйларга боттан.  
Умринг бўйи  
қадам бақадам,  
Меҳнат билан  
суюги қоттан.

Телбага ҳам  
йўйдилар сени,  
Баҳо бергай  
ҳар ким ўзича.

Курап бўлди  
яшаш мазмуни,  
Парвоз қўйдинг  
яним кўзича.

Олисларга  
чорлабди тақдир,  
Титклийман  
мастьум хатингни.  
Собит бўлсин  
изларинг ҳар бир,  
Қадрлайман  
муҳаббатингни.

Ҳамкорликка  
чўзолмадим кўл,  
Титраб турар  
танамдаги жон.

Очиб олмоқ  
Ўз-ўзига йўл,  
Бу дунёда  
кечмагай осон.

Муқаддасдир  
бу она Ватан,  
Ўз қалбингни  
бўлгин ҳабиби.  
Ҳаётида  
заҳмат чекмаган,  
Тушунмайди  
сени, Адиба.

Интилишдан  
толмагин ҳеч вақт,  
Умр шошиб  
елдек елади.  
Ҳаётингда  
излаганинг баҳт,  
Сени топиб  
ўзи келади.

\*\*\*

Ҳасад бўлмиш кўнглинг аро жо,  
Ўз-ўзингта қўйибсан бино,  
Истакларинг бўлмагай бажо,  
Дилга гулу сололмаган қиз.

Эш бўлмадинг бирорта корга,  
Ўтаётир умринг бекорга,  
Дутонасан дунёси торга,  
Дилга гулу сололмаган қиз.

Малол келар завқ қучган ёшлар,  
Маломатдан отасан тошлилар,  
Кўпаймоқда сенга сафдошлилар  
Дилга гулу сололмаган қиз.

Ошиқ дилнинг озори яхши,  
Қизиб турған бозори яхши,  
Ҳар бир ишнинг меъёри яхши,  
Дилга гулу сололмаган қиз.

Тан олмадинг йўлингта зорни,  
Оёқ ости айладинг орни,  
Гуллатардинг бирор рўзгорни,  
Дилга гулу сололмаган қиз.

Кўп ҳам шундай юрмагин бўзлаб,  
Дуч келганга дардингни сўзлаб,  
Ўзингни ол эртароқ ўзлаб,  
Дилга гулу сололмаган қиз.

Дов-дарахт яланроч, атроф ҳам бўшаб,  
Ёз ортта қолибди беимо, бесёз,  
Пойимга барглардан поёндоз тўшаб,  
Сездирмай келибди борларимга куз.

Яшиллик топибди шу дамда завол,  
Қушлар ҳам тарқ этмиш ўт қалаб жонга.  
Этни жунжиктирас изғириш, шамол,  
Соя ташлаб сузар булат осмонга.

Сўроққа туттандай бўлади беун,  
Довулу бўронга тайёрмисан деб.  
Қайта юз очгайми чечаклар гулгун  
Табиат неларни кўргай яна эп?!

Ишоинч қилди бу кун юзим заъфарон,  
Дунёнинг ишлари баъзида қизик.  
Умрим ҳам ўтгандир яхшими, ёмон,  
Лекин баҳорларим қайтмайди, аниқ.

Ҳушим ҳам йўқ энди шаштта, тезликка,  
Ҳушёр боқиб бир-бир одим таштайман.  
Юз туттаним ростдир хазонрезликка,  
Шундан мен доимо чўчиб яшайман.

## **ЦИРКДА**

Томоша кўрсатар йўлбарс галаси,  
Измига солганча ўйнатар бир қиз.  
Барҳам топғандай ўч, разаб чамаси,  
Ёдлардан чиққандай эркинлик, эссиз...

Ўмбалоқ ошгайлар бекўсту бекам,  
Ҳукмини англашар имо, сасидан.  
Саф тортиб қилишар нағмаю қарам,  
Кўзлари пирпирадар таёқчасидан.

Зарра ўксинишмас, тўкмас ёшларин,  
Бариси бергандир таҳдирига тан.  
Суйкалиб ўтганда силаб бошларин,  
Сийлаб ҳам қўяр қиз ширинлик билан.

Қайрашиб қўйишиар тишларин гоҳи,  
Мапгулот одатта айланган кунлик.  
Рақсга тушади ўрмонлар шоҳи,  
Шу кўйга солгандир муте, тутқунлик.

## **НИМА БЎЛДИ, ЖОНИВОР?**

Номинг тутиб чақирсан маъюсгина боқасан,  
Айтмоқчи бўлиб видо кўксимга ўт ёқасан,  
Бошингни ҳам кўтармай хаёлларга оқасан,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!

**Кўзинг юмиб мудрайсан, дунё билан ишинг йўқ,  
Атрофга зийрак боқиб депсиниб куришинг йўқ,  
Ҳовлини гир айланиб ўзингни уришинг йўқ,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!**

**Ҳамманинг ҳам ҳаётда нисбий эрур севинчи,  
Бироннинг омади бор, лекин унинг йўқ тинчи,  
Ҳар битта тирик жон бор, бу дунёда ўткинчи,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!**

**Хўжайининг эди кўп димордор ҳам нозиктаъб,  
Ишончни, эътиборни йиғдиниг елиб мисқоллаб,  
Берилган нон-тузингни единг мудом ҳалоллаб,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!**

**Ризқ-насибанг заминдан узиидими, алҳазар,  
Ёинки бирор нокас бердими заққум, заҳар,  
Ҳолинг кўриб эзилиб кўнглимга чўқди қадар,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!**

**Садоқатга менгзашиб итни вафо деганлар,  
Бедард, бефарқ бўлмоқни кайфу сафо деганлар,  
Қадрни билмас ёрни ситам, жафо деганлар,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!**

**Сендай ҳушёр содик дўст узатмаса агар қўл,  
Фанимлар писиб ётар ҳатарлидир ўнгу-сўл,  
Хизматингдан розиман, сен ҳам меъдан рози бўл,  
Ногаҳонда айт, сенга нима бўлди, жонивор?!**

## **МАЙИН ТАРАЛАДИ**

**«Қишлоң сонатаси» киносиның кўриб»  
туркумидан**

Кўқдан ёға бошлар пага-пага қор.  
Кўнгиллар висолга талпинади зор.  
Борлиқ либос кияр оппоқ, бегубор,  
Майин таралади «Қишлоң сонатаси».

**Ошиқлик дегани ёлғонми, чинми?!**  
**Дилға дарз еттазган гумонми, кинми?!**  
Севганинни унутмоқ шунча қийинми?!

Майин таралади «Қишлоң сонатаси».

Муқаддас саналар ҳамма жойда шаън,  
Хотирин йўқотди қайдан ҳам Жунсан,  
Ҳижронга келмайди ҳеч бергингиз тан,  
Майин таралади «Қишлоң сонатаси».

Қайтадан бўй чўзар орзулар қат-қат,  
Баҳосин олгандай вафо, садоқат.  
Мангута дахлдор дея муҳаббат,  
Майин таралади «Қишлоң сонатаси».

Ҳавасим келади, Южин сизларга,  
Шарм-ҳаё урф бўлган асли бизларга,  
Севгидан сабоқ бер келиб қизларга,  
Майин таралади «Қишлоң сонатаси».

## **ЙЎҚОТГИМ КЕЛМАДИ**

Орзуларим дилим тўла, лик,  
Севги асли толедан тортиқ,  
Дейман Жунсан менданми ортиқ,  
Йўқотгим келмайди, Южиним.

Интиламан билмасдан тиним,  
Ёлғон гапни хушламас жиним,  
Узоқ йиллик ҳислар ҳурмати  
Йўқотгим келмайди, Южиним.

Илк севганинг ятар сасингда,  
Ҳар бир онинг, ҳар нафасингда  
Енган икки ўт орасинда,  
Йўқотгим келмайди, Южиним.

Муҳаббатнинг дерлар кўзи кўр,  
Йўлларим берк, ё пешонам шўр,  
Шайдо юрак, о, мунчалар ўр,  
Йўқотгим келмайди, Южиним.

Ўзингга кўп қўймагин бино,  
Чопиб боргунг қиласа бир имо,  
Куяверма, дейсиз, бу кино,  
Йўқотгим келмайди, Южиним.

## **ЖУНСАННИНГ ЧИ ЛИНГА ДЕГАНИ**

Вужудимни ўртагай алам,  
Хавотирда ул қоши қалам,  
Майли мутлоқ қарамаса ҳам,  
Мени тинч қўй, сендан илтимос.

Яшай ёлғиз хаёлим билан,  
Ўз умримга заволим билан,  
Жавоби йўқ саволим билан,  
Мени тинч қўй, сендан илтимос.

Ўзгани ёр эта қол энди,  
Орзуларга етақол энди,  
Ўрнингдан тур, кетақол энди,  
Мени тинч қўй, сендан илтимос.

Садоларнинг олдида жимман,  
Қалби ишқдан қуиган сим-симман,  
Билолмадим, мен ўзи кимман?!  
Мени тинч қўй, сендан илтимос.

\*\*\*

Ошно бўлиб қололмасмиз биз,  
Аламлардан бу юрак зада.  
Товланишлар ҳисобига сиз,  
Қиладирсиз шон-шуҳрат ваъда.

Олгунимча ўзимни билиб,  
Кўп нарсани йўқотганим рост.  
Ишончим кўп бергандир фириб.  
Эътиқодим сусайган бир оз.

Кўзларимни қопласа-да нам,  
Қайтмагайман айттан сўзимдан.  
Вужудимни ўртасада юам,  
Тонмагайман ҳеч вақт ўзимдан.

Юрагимга чўкканда ҳасрат,  
Таскин бўлган кўз ёши, йири.  
Бирор учун бойлиқдир мақсад.  
Мен-чун бошқа ҳаёт йўриги.

\* \* \*

Мен яшаб юрибман кўплар қатори,  
Илоҳий хислатта эмасман эга.  
Бир умрга татир қалбим озори,  
Балки учраганман бобом қаҳрига.

Хом сут эмган битта ожиз бандаман,  
Иш битсин деб ёлрон сўйлаганим рост.  
Дўстимга ишониб панд ҳам еганман,  
Сустлашгандай эрур эътиқод, эъзоз.

Соддадирман жиндай чапани ва гўл,  
Лекин кетмаганман фойда деб тубан.  
Ҳар айтган сўзимга бўлганман мастьул,  
Мутелиқ қилганга бермагайман тан.

Ерга урмаганман ҳеч қачон ўзни,  
Ниятларим бўлган эзгу, мўътабар.  
Ҳар дам қўллагайман танти, ҳақ сўзни,  
Жон фидо қиласман керак бўлса гар.

Муҳаббат кўксимла мангу бўлган жо,  
Лекин силаганмас бошимни толе.  
Баъзида бўлганман лоқайд, бепарво,  
Гуноҳу айблардан эмасман холи.

Ром эттан эмасдир сохта шуҳрат-шон,  
Шукр деб юргайман омонлигимга.  
Мени оқлаш учун куйдирмагин жон,  
Далиллар етарли ёмонлигимга.

## АЙТ, ҚАНДАЙ ҚАЙТАРАЙ?

Мадорим йўқ эди жисмимда, танда,  
Йўлларда кетардим кўз ёшлиар тўкиб.  
Ногаён мен сени учратмаганда,  
Балки гарқ бўлардим сувларда чўкиб.  
Айт, қандай қайтарай яхшилигингни?

Келган эди бу кенг жаҳон менга тор,  
Дилимга бахш этдинг қаноат, сабот.  
Онгу шууримга сингдирдинг такрор,  
Бир бор берилишин аслида ҳаёт.  
Айт, қандай қайтарай яхшилигингни?

Қилмоқчи бўлгандим ёш жонимга қасд,  
Эриш туюлади энди бу хаёл.

Кўнгилда ниш урди ловуллаб ҳавас,  
Юксакка чорлагай ёрқин истиқбол,  
Айт, қандай қайтарай яхшилигинги?

Оlam ҳам қайтадан оғандай чирой,  
Хуш, кўркам туюлар борлиқ ҳам кўзга.  
Ўзгача порлайди тунлар тўлин ой,  
Сирларим айтаман ёниқ юлдузга.  
Айт, қандай қайтарай яхшилигинги?

Яшарман ҳар лаҳза сўзга сириниб,  
Ҳамиша эшдирман битмас бойликка.  
Энди ўлтирмасман тақдирга кўниб,  
От кўйгим лурвиқор тоғларга тикка.  
Айт, қандай қайтарай яхшилигинги?

Ўйларга ботаман шириндан-ширин,  
Атрофга боқаман тўймасдан ташна.  
Сенга шеърлар биттум пинҳон, яширин,  
Мұҳаббатга этдинг бир умр ошна.  
Айт, қандай қайтарай яхшилигинги?

\* \* \*

Ялтоқликлар қилмагин юрак,  
Бўйсин мудом ёғилган сасга.  
Ўзлигинга келтирмагин шак,  
Дарз кетмасин орзу-ҳавасга.

Тиламагин бирордан шафқат,  
Юз бурмасин қаҳрамон, ботир.  
Ғолиб келар бир кун ҳақиқат,  
Чулғамасин қўрқув, хавотир.

Разм солгин юксакка тўйиб,  
Тоғлар бўлмиш лочинга ошён.  
Турёнларни эркига кўйиб,  
Оликълигинг айлагин баён.

Бераверма ҳаммага ҳам тан,  
Сенга эшдир магрурлик ахир.  
Шон-шавкатта ўраган билан,  
Мутеликнинг умри қисқадир.

\* \* \*

Қадар чўкар гоҳида дилга,  
Халқимиз – келган зиё улашиб.  
Кулгу бўлиб, гап бўлиб элга,  
Ака-ука юрар курашиб.

Давом этар жанжаллар кунда,  
Бир-бирини хушламас жини.  
Кўз олдимдан ўтади шунда  
Эртаҳдаги уч оға-ини.

Тўғри, бугун вақт, давр ўзга,  
Замоннинг ҳам бошқа шиддати.  
Дилда бори айтилар юзга,  
Андишашинг тушибан қиммати.

Ибо, ҳаё чекиб ётар ун,  
Бутун барин гўлликка йўйдик.  
Ўзимизча негадир бу кун,  
Эртакларга ишонмай қўйдик.

## ҲАСРАТ

### Жонриста

Дунё иши ғалатироқ сал,  
Гоҳо буюм инсондан афзал!

Ота-она яшаса яхши,  
Фарзанд бўлар ҳаётнинг нақши.

Гўё боғлар булбулидиран,   
Мұхаббатнинг маҳсулидиран.

Келишмаса агарда улар,  
Ўғил-қиз ҳам ортиқ юқ бўлар.

Ота бу ён, Она у ёнга,  
Айланади бола ҳайронга.

Кеча дилдан сұхбат қурғанлар,  
Бир-бирини мақтаб юрганлар,

Айланади бирдан «душман»га,  
Борадирлар тинмай «сан-ман»га.

Ҳақоратлар, мушт бўлар жиққа,  
Бир-бирини чаплар балчиққа.

Хотин «бузуқ», эр бўлар «ўрри»,  
Келмай қолар «характер» тўғри.

Асли икки қўлдан чиқар қарс,  
Қийин экан дилга кетса дарз.

Аросатда қолганилигим, рост,  
Ҳаёллардан толганилигим, рост.

Лол қоламан улрайган сари,  
Бўлмас экан ажрим илгари.

Инсоф берсин сархуш отамга,  
Шифо тилаб хаста онамга,

Дейман: ўзинг, кўлла, худойим,  
Тотув бўлсин эр-хотин доим.

\* \* \*

Боролмасман Сиз томон, чопа  
Солинсамда вақт ўтган сари.  
Орамизда бор-йўқ масофа,  
Эски ҳовли, икки уй нари.

Узун тунлар осмонлар кўм-кўк,  
Кўргум ойнинг юришларини.  
Мен эшигигб ётаман «дук-дук»  
Юрагингиз уришларини.

Кўксим аро орзулар қат-қат,  
Мангу армон бўлиб қолдилар.  
Она, йиллар мунча бешафқат,  
Барлингиздан юлқиб олдилар.

Нитоҳларим кўкка қадалган,  
Дил очгим йўқ ҳатто қаламга.  
Бу дунёда менга аталган  
Охир борми дардга, аламга?!

Дўхтири кўнглим кўтарар иуқул,  
Тегармикин бирор фойдаси.  
Борай десам бермагайдир йўл,  
Беморликнинг қонун, қоидаси.

Боролмасам Сиз томон чола,  
Соринсамда вақт ўттан сари.  
Орамизда бор-йўқ масофа,  
Эски ҳовли, иккни уй нари.

## КЕМТИК БЎЛИБ ҚОЛАР

A.C.ла

Сиз яшаб юрарсиз ҳокисор, ҳалол,  
Ҳаёт йўлингиз ҳам тўғри бир ҷизиқ.  
Ҳордиқ чиқарасиз уйда бемалол,  
Бирордан эмасдир тилингиз қисиқ.

Билганингиз рўзгор мол-ҳол ташвиши,  
Оддий, жўн, соддадир ҳаёт тарзингиз.  
Сиз чун бирдай кечар умр ёз, қиши,  
Шикоят қилмассиз, йўқдир арзингиз.

Турмушнинг бор ўзин талаб, қийноғи,  
Тўзимлар тилайсиз шунда ҳам жонга.  
Дунёнинг кўп дейсиз ҳисоб, сўроғи,  
Муштлар ўқталмайсиз қараб осмонга.

Мангуга даҳлдор босган изингиз,  
Мунофиқлик қилмоқ Сизга мутлоқ ёт.  
Ўзимни билмадим, Сиз бўлмасангиз,  
Кемтик бўлиб қолар эди бу ҳаёт.

\* \* \*

Авжга чиқар тошқинлар, селлар,  
Тинмагайдир довуллар, еллар,  
Турланса ҳам аҳлоқлар, феъллар,  
Биз барибир бирга бўламиш.

Ҳеч кимсадан эмасдирмиз кам,  
Гарчи умрим сўнаётган шаъм,  
Қор ёғса ҳам, ёмирир ёғса ҳам,  
Биз барибир бирга бўламиш.

Сен ҳақингда ўйлаблар келдим,  
Фаҳр билан сўйлаблар келдим,  
Муҳаббатни куйлаблар келдим,  
Биз барибир бирга бўламиш.

Соринч ҳар он кўрсатар кучин,  
Ахир сенга интилмай нечун?!  
Яралгансан ёлғиз мен учун,  
Биз барибир бирга бўламиз.

## ОРЗУЛАРИНГ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

*Аброржонга*

«Шоир бабом» дейсан, тилларинг ширин,  
Дилингда жўш ураг ғуур яширин,  
Англамоқ бўласан юрагим сирин,  
Орзуларинг йўлдош бўлсин, Аброржон.

Дунёда ёмонлик бўлмасин дейсан,  
Эртакда ҳам ҳеч ким ўлмасин дейсан,  
Гул, чечак барқ урсин, сўлмасин дейсан  
Орзуларинг йўлдош бўлсин, Аброржон.

Ўзингча тин олиб, ўйга толасан,  
Хешларни сўроқлаб ғавро соласан,  
Ҳаммани сориниб, кўнглин оласан,  
Орзуларинг йўлдош бўлсин, Аброржон.

Кўрган ҳар нарсангни этадирсан қайд,  
Дўстларга ёрдамга шайдирсан ҳар пайт.  
Теварак, атрофга эмассан лоқайд,  
Орзуларинг йўлдош бўлсин, Аброржон.

Давраларда жойинг тўрни кўраман,  
Мард, танти, шиiddаткор зўрни кўраман,  
Толеингда ёрқин нурни кўраман,  
Орзуларинг йўлдош бўлсин, Аброржон.

## КЕЧМАГАЙМАН ОРЗУЛАРИМДАН

Эрта ботиб бораётир умрим қуёши,  
Юзларимни ювгай баъзан кўзларим ёши,  
Бошларимда айланса ҳам тегирмон тоши,  
Мен ҳеч қачон кечмагайман орзуларимдан.

Имкон топсам муҳаббатни ўйлайвераман,  
Ҳамдард бўлган ҳар кимсага сўйлайвераман,  
Нафосатни ёниб дилдан куйлайвераман,  
Мен ҳеч қачон кечмагайман орзуларимдан.

Борларимда мавж урмагай турфа гулларим,  
Энди ҳеч вақт кесишмагай баҳт-ла йўлларим,  
Чўзган билан етмаса-да унга қўлларим,  
Мен ҳеч қачон кечмагайман орзуларимдан.

Бу дунёning кўламлари бепоён, ҳадсиз,  
Хаёлларим чарх уради кўкка сарҳадсиз,  
Яшамоқдан маъно уҳмам ҳиссиз, мақсадсиз,  
Мен ҳеч қачон кечмагайман орзуларимдан.

Биладирман ҳавас билан тўлмагай камим,  
Қалбларимдан форир бўлмас дардларим, ғамим,  
Яхши, ёмон улар ахир менинг оламим,  
Мен ҳеч қачон кечмагайман орзуларимдан.

## **ҚИШЛОГИМ**

**Қишлиоримдир шаҳарга туташ,  
Бурчдир унинг хизматин ўтаси.**

**Қамрагандай барака-ю қут,  
Лекин қийнар жарлик — тафовут.**

**Қишилоқ бўлиб гулламас борим,  
Шаҳар эмас, лекин қишлиорим.**

**Кузатаман одамларини,  
Босган ҳар бир қадамларини.**

**Дерлар: «Бахтли, ризқи доим бут,  
Аёллари қадр топган юрт».**

**Лат егандай орзую ҳавас,  
Хотин-қизи тинмайди бир пас.**

**Ўтлаб юрар қўйу моллари,  
Ожиздайин, турфа ҳоллари.**

**Ишдан қайтар ўтлар орқалаб,  
Ҳақ-ҳуқуқин қилмайди талаб.**

**Ташвиши йўқ рўзгордан бўлак,  
Сув ташийди тўлдириб челак.**

**Оддий бўлган чангю лой кечмоқ,  
Ичкилик сув жумборин ечмоқ.**

Гоҳ қолади пинакка кетиб,  
Бормоқдадир ўти бўй етиб.

Дилларида майда ҳислар жаъм,  
Қишлоғи керак ҳали тўй-ҳашам.

Умид боғлар эртанги кунга,  
Раҳмим келар, қишлоғим, унга.

Ўйга ботиб гоҳ оламан тин,  
Чиқармисан аросатдан, чин.

## **«ЧОРРАҲА» КИТОБИНИ ЎҚИБ**

**Жумақул Қурбоновга**

Тушимда юрибсиз оқ тулпор миниб.  
Оқсоқол эмисиз катта даҳада.  
Яшардим мен Сизни дилдан сориниб,  
Биз қайта учрашдик кенг «Чорраҳа»да.

Кўрсаттум дедингиз меҳр-мурувват,  
Эа учун мен мудом хизматга шайман.  
Вужудим ўртагай сирли муҳаббат,  
Ва ёниб дегим бор: «Сени қўмсайман».

Сурати берарди кўнгилга таскин,  
Пинҳона ўқирдик масъум хатини.  
Мум тишлаб bemажол лол қолганим чин,  
Йиртиб ташлагандা бир нокас уни.

Қўл очиб турган бир бурда нонга зор,  
Тўқликнинг қадрини оқда кўрганман.  
Урушнинг даҳшатин болам деб ночор,  
Қирқиб бозор солган сочда кўрганман

Рақдоса кўксида тош қотган армон,  
Бизни ҳушёрикка чорлагай ҳар вақт.  
Умрни қадрига ет дегай ҳар он,  
Кунларнинг қаърига сингтан назокат.

Хоргая кўзларига чўкади қадар,  
Ота-чун муқаддас номус ҳамда шаън.  
Сўнг йўлга кузатиб қўймас, алҳазар,  
Кўнглини узолмас нодон фарзанддан.

Чолнинг юрагида сўнади тафти,  
Шогирдидан йўқдир гина-ю кини.  
«Вафодор» устида силкинар кифти,  
Билмай отиб қўйиб севган итини.

Гумонлар солади кўнгилга гулу,  
Мозийдан ёрилар нидолар, унлар.  
Қабиқ хиёнатга ёндашди сулув,  
Судралиб чўзилгай бу узун тунлар.

Ўзининг кучига қўйганни ихлос,  
Ишонч қамраб олгай ўй, хаёлини.  
Мангу азобларни илғаганман, рост.  
Кўриб қасам бузган кимса ҳолини.

Гоҳ бошдан ўтгания айладим баён,  
Қулоқда чалингай фирону йири.  
Шайдойи юракка солар ғалаён,  
Нафрат, муҳаббатнинг тинмас қўшири...

Дилтортар сұхбатдан ёришгай юзим.  
Заковат, ҳам идрок қилган тантана.  
Ҳеч очгим келмайди уйқудан кўзим,  
Тушнинг давомини истайман яна.

\* \* \*

### *Коммунала*

Ҳақдимиз йўқ асло қолмоқда тўхтаб,  
Қалблардан ҳеч қачон сўнмагай сабот.  
Кўпларни ром этса манфаат, мансаб,  
Бизларга эзгулик баҳш этди қанот.

Атрофни кузатдик зукко ва теран,  
Дуч келган ҳар касни дўст деб ўйладик.  
Синов, довонларга ҳеч бермасдан тан,  
Матонат қўшигин дадил куйладик.

Қадамда панд берди ғаним ногаён,  
Эгасин топмади ёзган хатимиз.  
Маломат тошидан барир бўлди қон,  
Юз очмай сўлди ишқ, муҳаббатимиз.

Изнесиз хаёллар кетдилар тўзиб,  
Юракка чўкмишдир кудурат, гина.  
Замона зайдидан кетмадик ўзиб,  
Бизга етишмади журъат озгина.

Ҳаёт кўп синади бардошимизни,  
Орзую ҳаваслар чиқдилар пучга.  
Ҳеч кимга кўрсатмай кўз ёшимизни,  
Бир умр юттаймиз дардларни ичга.

Сочларга эртароқ қўнгандир қиров,  
Қўнгиллар тубида пинҳондир сирлар.  
Парвозга йўл бермай еди беаёв,  
Бекажон, бизларни икир-чикирлар.

## РАШК

### Ҳазил аралаш

Отелло эмасман ишқда ва лекин  
Менинг ҳам бор ахир лов ёнишларим.  
Ҳасратлар эзади, юрагимда кин,  
Вужудни ўргайди қизронишларим.

Мафтункор бокаман ҳусн, чиройга,  
Мосуво эмасман ҳақдан, ҳуқуқдан.  
Қўнглимни очаман тунлари ойга,  
Борлар қилгим келар гоҳида йўқдан.

**Ҳаёт қилгандайин қайта бор синов,  
Йўлларга боқаман илҳақ, интизор.  
Устимдан кулгандай гоҳида бирор  
Дегандай энди-чи, елишинг бекор.**

**Етар, муҳаббатни ардоқлама, кўй,  
Ярашмагай рашида ёнмоқ ёшингта.  
Садоқат, вафони эскиликка йўй,  
Надомат ёғдирар бир кун бошингта.**

**Тўлрониб чиқаман боқиб самога,  
Ушалмас бир армон бағримни тилар.  
Сирмасдан кетаман ҳадсиз дунёга,  
Муҳаббат мангу деб ҳайқиргим келар.**

## **МАТОНАТ КУЙЧИСИ**

**Ватанин мадҳ этди ҳар лаҳза ёниб,  
Ундан олди меҳр, завқни, илҳомни.  
Шеърлари куйланар мудом қувониб,  
Саодат куйчисиFaфур Fуломнинг.**

**Бошида доимо ўзбек дўпписи,  
Юксак билди зазу бу эҳтиромни.  
Мангута даҳдор қолдирган изи,  
Жасорат куйчиси Faфур Fуломнинг.**

Навоий шеърларин гарди бўлмоқ-бахт,  
Деб билди шарафлаб улур бу номни.  
Умрини безади олий ҳакам-вақт,  
Адолат куйчисиFaфур Гуломнинг.

Кўнглинин чўктириди етим ноласи.  
Вужуди билмади ҳуэур, оромни.  
Диёнатли ҳатто «Ўгри бола»си,  
Урф-одат куйчиси Faфур Гуломнинг.

Қўллардан тушмагай «Шум бола», «Ёдгор».  
Авлодлар ёд ўқир қутлуг каломни.  
Ҳар сатри юксакка чорлайди такрор,  
Паймон-аҳд куйчиси Faфур Гуломнинг.

Кўксида ушалмай ўтди бир армон,  
Илради гуллаган қишда бодомни.  
Хизматин унутмас ҳур Ўзбекистон,  
Матонат куйчиси Faфур Гуломнинг.

## ДОИМ БЎЛ ОМОН

*Шоир Амир Худойбердиевга*

Қисматингда бордир ўй, фироқ,  
Дунё тўла кинга, гуссага.  
Ҳар сония ёниб яшамоқ  
Борлик эмас экан жуссага.

Митти жонга мунчалар ташвиш,  
Наъра тортмоқ миллат шаъни деб.  
Гоҳ ёзингда юз кўрсатди қиши,  
Сен кўрмадинг эгилмоқни эп.

— Уйғон, — дединг ғофилга зорлаб,  
Орзуларим кетдилар тўзиб.  
Зулмат аро юлдуздай порлаб,  
Замонадан яшадинг ўзиб.

Инсон қолган ботиб тўзонга,  
Бирор лаҳза бўлса гар тиниш.  
Эш бўлайлик дединг бўронга,  
Кўнгилларда бутун эврилиш.

Лол этмасин зарра шуҳрат, шон,  
Кўнглинг бўлсин ҳамиша нодир.  
Сафимиизда доим бўл омон.  
Эл-юрт севган шукуҳли шоир.

## ҚЎЛДАН ҚАЛАМ ТУШМАСИН

*Шарофат Ашуревага*

Дунё қизиқ, одамнинг баъзан  
Жисми бўлар исмига монанд.  
Меҳнат бир кун олингуси тан,  
Эзгуликка дил бўлса пайванд.

Тутсангида қаламни сал кеч,  
Дилда орзу жўш уриб қат-қат.  
Сиз кўплардан, афсус чекманг ҳеч,  
Кетгандирсиз ўзиб Шарофат.

Мозийларга тутдингиз қулоқ,  
Ҳис қидингиз келган зарбларни.  
Бўй кўрсатди авлодлар уйроқ,  
«Илоҳий тун» ёқди қалбларни.

Авлиёлар қўллади Сизни,  
Кўп тилаклар бўлди ижобат.  
Гоҳо тортди нигоҳингизни,  
«Қишлоқдаги баланд иморат».

Интилишлар кетмагай бекор,  
Қад ростлагай Шайх ота Қусам.  
Адибларнинг сафида қатор  
Ўрнингиз бор событ, мустаҳкам.

Ноҳақликдан олмадингиз тин,  
Устун билиб савобни киндан.  
Тикладингиз боболар шаънин,  
«Носирийни ёд этиб» чиндан.

Ўқувчилар тилар омонлик,  
Яшанг дунё тургунича то.  
Четлаб ўтсин ҳасад, ёмонлик,  
Қўлдан қалам тушмасин асло.

## **КЕЧИРИНГ, ОПА**

*Хосият Лутфуллаева хотирасига*

Ҳаёт қаттиқ, тақдир бешафқат,  
Кимгадир кенг, гоҳ бирорга тор.  
Тан олади енганни фақат,  
Бемуродни қиласи инкор.

Умр — тортилган камондаги ўқ,  
Йўл олади йўқликлар томон.  
Эзгуликнинг мудом кўнгли тўқ,  
Унугулимас номи ҳеч қачон.

Ўчмагайдир ёрқин хотира,  
Тунлар юлдуз чараклар, порлар.  
Яшар ўйлар дуркун, бокира,  
Ҳар сония юксакка чорлар.

Қисматда бор бир куни кетмоқ,  
Сўнар шунда орзую ҳавас.  
Ед айламак, тавофлар этмоқ.  
Тирикларнинг бурчи — муқаддас.

Эсламадим бир фурсат топа,  
Дил армоним кўплар уқмади.  
Ношудлигим кечиринг, Опа,  
Мендан яхши ука чиқмади.

## **ШАРОФИДДИН НИДОСИ**

Айт-чи ҳаёт, нега мунча қаттиқдир қаҳринг,  
Етмасмиди кўз юмгани мунисим — онам.  
Гуноҳсизга сочилгандир гоҳида заҳринг,  
Қаддимни дол айлагайдир ўй, қайгу, алам.

Қўлларимда тиниб қолган ўйноқи созим,  
Жўр бўлганда унут бўлган шўх наволарга.  
Тарк айлади ногоҳ отам, ҳассос устозим,  
Сигмай қолдим сарҳад билмас кенг дунёларга.

Дегандайсан: олдда ҳали кўп синовларим,  
Андуҳингдан қувонгувчи кимсалар ҳам бор.  
Шашт синдирап сўқмоқли йўл, баъзан ювларим.  
Пайт пойлаган қоқилишинг бўлиб бекарор.

Сон-адори йўқдир бошга ёқдан ҳасратнинг.  
Сочларимни ўйнар эслан саррин шўх сабо.  
Суянчирим, ҳам сафдошим акам Пўлатнинг,  
Хаёлини тортган эди куй «Оҳанрабо».

Юз очмайин қотди тошдек орзую, тилак,  
У ҳам кетди ташлаб мени ё раб, алҳазар.  
Титраб қолди кўксимдаги хастаҳол юрак,  
Ногаҳонда келганида яна шум ҳабар.

Кенг давралар бағрин очди рост менга бу кун,  
Ўрнига ё мен чиқдимми азиз акамни.  
Юрак-бағрим бир умрга айролиқдан хун,  
Ёқмоқ ахир вазифамдир ўчмасдан шаъмини.

Дилдан ёниб куйлаш энди қатый суурим,  
Юрагимдан ёрилгайдир унлар, нидолар.  
Отам, акам менга ибрат, мангу рурурим,  
Улар санъат учун жондан кечган фидолар.

Қасдма-қасдга куйлагайман дарёдай тошиб,  
Ҳар бир лаҳза курашмоққа етгайдир Кучим,  
Юксакларни забт этарман довонлар ошиб,  
Ҳамма учун шараф қучмоқ менингдир бурчим.

\* \* \*

Совурмасдинг умрингни ўргоқ,  
Қадрлардинг вақтингни ҳар чоқ,  
Сөғ-саломат тонглар оттирмоқ,  
Билсанг менга армонлигини.

Аросатда ўртанимасин жон,  
Кувнамоққа топардинг имкон,  
Давраларда кулмоқлик хандон,  
Билсанг менга армонлигини.

Тош қотмасди орзулас қат-қат,  
Яшар эдинг уни деб фақат,  
Умрим бўйи илк муҳаббат  
Билсанг менга армонлигини.

Кўрсанг эди кемтик, камликни,  
Аламларни, кўзи намликни,  
Улувлардинг хотиржамликни,  
Билсанг менга армонлигини.

Келтирмасдинг ҳақиқатта шак,  
Ўтмас здинг отиб яхмалак,  
Алломишдек алп ёнган юрак,  
Билсанг менга армонлигини.

Хикмат бордир ҳар бир санада,  
Ётмас здинг писиб панада,  
Интилмоқлик, жўшиш янада,  
Билсанг менга армонлигини.

Кенгайгайдир мардларнинг сафи,  
Тегсин дердинг эл-юртга нафи,  
Менинг учун дўстлар шарафи,  
Билсанг менга армонлигини.

## БЕГОНАСИ БЎЛМАС

Жонни ўтар ногоҳ ииқилган,  
Томогига иири тиқилган,  
Урущдан ҳам олиб чиқилган,  
Бегонаси бўлмас боланинг.

Тонглар каби поқдир тилаги,  
Эзгуликка тўла юраги,  
Элу юртнинг кўрк, келажаги,  
Бегонаси бўлмас боланинг.

Ўстиринг ҳар одмини билиб,  
Армон дилни юрмасин тилиб,  
Яшасин у ёниб, интилиб,  
Бегонаси бўлмас боланинг.

**Билсин қадрин, кучу-қудратин,  
Боболарин шонин, шуҳратин,  
Ёрқин, ўтмас битилган хатин,  
Бегонаси бўлмас боланинг.**

**Орзулари тортмасин хира,  
Кўзларини босмасин шира,  
Синдиримангиз шаштини сира,  
Бегонаси бўлмас боланинг.**

**Заковатлар йўл ёритган нур,  
Номи бўлсин дунёга машҳур,  
Исмоил дер, борига шукур,  
Бегонаси бўлмас боланинг.**

## **МАНЗИЛГА ЕТТАЙСИЗ**

**Омон Хушмуродовга**

**Оя, феълимиизда ўхшашликлар бор,  
Дўстга сўз демоқда сигтай ҳаддингиз,  
Фаним уриниши кеттайдир бекор,  
Тўфонлар эголмас алдай қаддингиз.**

**Бу қадим дунёда ўз вақтида кам  
Баҳосин олгандир асл истеъдод.  
Иродангиз бордир метин, мустаҳкам,  
Писта чақдандай гап Сиз-чун иқтисод.**

Неча бор келдингиз синовларга дуч,  
Обдан ўргандингиз жўшқин ҳётни.  
Ҳаваслар баҳш эттай илоҳий бир куч,  
Севиб ўқигайсиз адабиётни.

Сиздан таскин топгай дардманд ҳар киши,  
Одатта айланган кўмак, ҳамкорлик.  
Баъзида қизиқдир бу дунё иши,  
Лавозим келгандай қамровга торлик.

Оlam-ку мунаvvар ҳар он ишончдан,  
Мардлик ҳам аслида нодир имтиёз.  
Кўзингиз ёнади шодлик, қувончдан,  
Шогирдлар кўкларга айласа парвоз.

Эътиқод, ишонч ҳам бергай гоҳо панд,  
Дўсту ёр танлашда гоҳ адашдингиз.  
Яхши билсангиз-да ҳётни гарчанд,  
Синмасин дегайманрайрат, шаштингиз.

Нигоҳ қадалганда юксак, олисга,  
Замин ҳам кеттайдир уфқа тулашиб.  
Дилингиз ошнодир қутлур ўй, ҳисга,  
Манзилга еттайсиз довонлар ошиб.

Оға, феълимида ўхшапликлар бор,  
Дўста сўз демоққа сиятай ҳаддингиз.  
Ғаним уриниши кеттайдир бекор  
Тўфонлар эголмас алдай қаддингиз.

## МУНОЗАРА

Тариҳда ҳисоб бор, ажралар бир кун,  
Пучаклар пучакка, сара-сарага.  
Ҳақ ачтиқ бўлса-да, келингиз бир зум,  
Сиз билан киришай мунозарага.

Галингиз тўғридир, лекин вақтинча,  
Омад кулиб боққай риёкорларга.  
Қылмишидан сўлгай юз очмай ғунча,  
Токай кўз юмамиз кирдикормарга.

Дўст деб юрак очса ҳатто муттаҳам,  
Бобомерос бизга қўлни тутмоқлик.  
Йиқилган кимса гар ғаним бўлса ҳам,  
Одат бўлмаган ҳеч толтаб ўтмоқлик.

Шоир ҳам иш тутса виждонга хилоф,  
Пеш қилса ҳар лаҳза қучган шонини.  
Унда қайда қолур ишонч, эътироф,  
Нима деб айтамиз унинг номини?!

Кўчиригум юракнинг розин қороға,  
Кўнглимда йўқ зарра ҳасад, гина, кин.  
Айлансан бир маддоҳ, замонасозга,  
Мен ҳам сиздек яйраб яшашим мумкин.

Дунёнинг ишини кузатурман жим,  
Эътиқод йўлимни ёритган чироқ.  
Худбинлик билан ҳеч кесишмас йўлим,  
У мендан йироқдир, мен ундан йироқ.

Ҳақ аччиқ бўлса-да, келингиз бир зум.  
Сиз билан киришдим мунозараға,  
Тарихда ҳисоб бор, ажралар бир кун.  
Пучаклар-пучакка, сара сарага.

## РЎПАРА КЕЛДИМ УЧ ЙЎЛГА

I

Мен рўпара келдим уч йўлга,  
Ўнги ваъда қиласарди баҳтни.  
Бошлагани чап томон – сўлга,  
Эш қилгум дер омадни, нақдни.

Йўл бошида туриб қолдим шай,  
Тинглагайман юрақдан сасни.  
Эртақдаги кенжা ботирдай,  
Мен танладим орзу-ҳавасни.

II

Туар шуҳрат, шон-шавкат қулиб,  
Дегай: ҳар он ҳамроҳинг бўлай.  
Шартми юрмоқ аламга тўлиб,  
Заҳмат чекмай яшамоқ қулай.

Ўйга ботдим, хаёллар сурдим,  
Варақладим кўп китобларни.  
Юзларимни ҳақ томон бурдим,  
Йўлдош қилдим изтиробларни.

### III

Титрагайдир ғазаб ва нафрат,  
Дил ҳукмига тайёрдир ҳар дам.  
Юмшатмаса юракни шафқат,  
Дегай мавденг бўлар мустаҳкам.

Нур ёғилар осмон, фалақдан,  
Ҳиссиётлар дунё кезгулик.  
Кўксим аро урган юрақдан,  
Ўрин олди факат зэгулик.

### КЕРАК БЎЛДИ

Юрак бағрим ёнгани,  
Ҳаловатдан тонгани,  
Топталиши ор, шаъни,  
Кимгадир керак бўлди.

Мискин шеърлар битмогим,  
Ғамни ошио этмогим,  
Бу дунёдан кетмогим,  
Кимгадир керак бўлди.

Оlam бўлса бир қафас,  
Сўнмоги орзу-ҳавас.  
Ёғилмори дилдан сас  
Кимгадир керак бўлди.

Жоҳил кўп пасткаш, тубан,  
Қабиҳлик қайдан юқдан,  
Уни ҳам она түкдан,  
Кимгадир керак бўлди.

Исмоил эзгу ишдан,  
Толмагин интилишдан,  
Бош чиқмаси муз-қишдан,  
Кимгадир керак бўлди.

## БАХТЛИ БЎЛАМИЗ

Юрак ёнар бўлиб лағча чўғ,  
Эртанги кун нурафшон, ёруғ,  
Меҳр дарддан айлагай форир,  
Эзгу истак йўлдошдир бизга.

Ёгар майин ёмғирлар, қорлар,  
Ювилади дилдан ғуборлар,  
Булбул ҳар тонг ёниб тақрорлар:  
Эзгу истак йўлдошдир бизга.

Ишонч қилди баъзан дилни кун,  
Шафқат тилаб тортмадик маҳзун,  
Энг муҳими — эътиқод бутун,  
Эзгу истак йўлдошдир бизга.

Муҳаббатда кўксимиз қуроқ,  
Чарх уради минг савол, сўроқ,  
Баланд тоғлар пештоқидир оқ,  
Эзгу истак йўлдошдир бизга.

Ҳали қанча ўзгарар ҳаво,  
Эзгуликлар юракларда жо,  
Эй, Исмоил қилмагин парво,  
Эзгу истак йўлдошдир бизга.

## **ЧАВАНДОЗЛАР ҚЎШИҒИ**

Ишқим Фиротта тушди,  
Толмас қанотта тушди,  
Совринга — зотта тушди,  
Урҳо-ё, урҳо.

Учиб борар Бойчибор,  
Шиддати дарёча бор,  
Дунё келар унга тор,  
Урҳо-ё, урҳо.

Бобомдан аллик мерос,  
Қўйғанман отта ихлос,  
Тантилиги менга хос,  
Урҳо-ё, урҳо.

Улоқ — мардлар ўйини,  
Излаб бордим тўйини,  
Ёр кўрсатсан бўйини,  
Урҳо-ё, урҳо.

Мудаббатда мен нўнок,  
Ўйига бўлдим қўнок.  
Эртага чопгум улоқ,  
Урҳо-ё, урҳо.

Чидамлидир такаси,  
Гул тақдан уй бекаси.  
Бўйидан чин акаси,  
Урҳо-ё, урҳо.

Орзулар дилда қат-қат,  
Чавағон кутмас шафқат.  
Ҳалоллаб олгай фақат,  
Урҳо-ә, урҳо.

Тақани құлма нимта,  
Уни босғин тақимга,  
Ҳақинг берма ҳеч кимга,  
Урҳо-ә, урҳо.

Дүстлар тиленг баҳт күлсін,  
Отимдан күнглім тұлсін,  
Юртда ҳар күн түй бүлсін,  
Урҳо-ә, урҳо.

## ОТ МОНОЛОГИ

Бир жонзот эурман мен ҳам аслида.  
Вақтдан ҳам үзай деб ел каби елган.  
Тантлилік қони бор тулпор наслымда,  
Иисонни бир умр шарафлаб келган.

Дунё ҳам гоҳ қолди шиддатимдан лол,  
Чопсам туёримдан чатнагай чақин.  
Садоқат күрсатдым ҳамиша ҳалол,  
Олис йұлларини қылғанман яқин.

Менга дүст тутиңган — доим тансиқат,  
Чаппорлар ургайман бўстонларида  
Кўп эзгу ишларда бўлдим ҳамжиқат,  
Бахшилар мадҳ этди достонларида.

Ҳеч вақт ёмонликни кўрмаганман эп,  
Одамлар умрига берганиман сайқал.  
Мұҳаббат, садоқат, мардлик рамзи деб,  
Кўп жойда менга ҳам қўйганлар ҳайкал.

Гоҳ Фирот аталдим, бўлдим Бойчибор,  
Дунё ҳам тан олди дўстлик, аҳдимни.  
Майдонда билмасман нелигин кибор,  
Довул ҳам қайтара олмас шаҳдимни.

Гувоҳи бўлғанман даҳшат, жангларни,  
Жан бериб горида олғандирман жон.  
Дилимдан юволмам қадар, зангларни,  
Кўз олдан кетмагай бўлғанлар қурбон.

Яхшилик чорласа, қўкка интилиб,  
Олиб боргайдирман соҳибим ойга.  
Одамзот яшаса ҳалол баҳс қилиб,  
Кўпкари чопилса, ўйналса пойга.

Бир жонзот зурман мен ҳам аслида  
Вақтдан ҳам ўзай деб ел каби елган.  
Тантилик қони бор тулпор наслимда,  
Исонни бир умр ардоқлаб келган.

## **ҚАШҚАДАРЁ ОТЛАРИ**

*Отларнинг ишқибози ва  
жонкуяри Бадодир ахага*

Қанот борлаб учади,  
Тор ларзакор кўчади.  
Юксакларни қучади,  
Қашқадарё отлари.

Ирода тордай метин,  
Узун кишиаб олар тин.  
Отасин насли Тегин,  
Қашқадарё отлари.

Онаси чўл бияси,  
Елса қайтмагай саси,  
Кўпнинг келар ҳаваси,  
Қашқадарё отлари.

Чопар пойга, кўпкари,  
Йигитларнинг сарвари,  
Эгали зотнинг бари,  
Қашқадарё отлари.

Фирот, Шамол, Бойғибор,  
Бир дунёча шашти бор.  
Ҳамиша зафарга ёр,  
Қашқадарё отлари.

Довоңларга бермас тан,  
Ҳеч қачон чиқмас издан,  
Тимсол олур юлдуздан,  
Қашқадарё отлари.

Хабардор дил сиридан,  
Англагай кўз қиридан,  
Учкурдир бир-биридан,  
Қашқадарё отлари.

Эзгуликлар хаёли,  
Чаваронлар камоли,  
Мард тантлил тимсоли,  
Қашқадарё отлари.

Нигоҳи қадалган ўқ,  
Ўз-ўзидан кўнгли тўқ,  
Ўзишига тараф йўқ,  
Қашқадарё отлари.

Ютолмаса ногаҳон,  
Юрак-бағри бўлар қон,  
Талвасага тушгай жон,  
Қашқадарё отлари.

Тегишли асл зотга,  
Йўюрилгандир саботта,  
Ўхшар толмас қанотта,  
Қашқадарё отлари.

Дунёвинг бор ўз тоши,  
От — эр йигит йўлдоши,  
Ибрат, тоқат, бардоши,  
Қашқадарё отлари.

## СИЗ ҲАМ ЎЗИНГИЗЧА...

Қадалган нигоҳлар сўрагувчи жон,  
Белингиз бир тутам кийсангиз нимча.  
Висолга етмоқни ўйлаймиз пинҳон,  
Сиз ҳам ўзингизча, мен ҳам ўзимча.

Чиндан соддадирсиз ёки тақаббур,  
Бирор сўз демайсиз қараб кўзимча.  
Этилишни билмас гердайтаи, мағур,  
Сиз ҳам ўзингизча, мен ҳам ўзимча.

Суҳбатлар қурасиз айлаб сайри бор,  
Ғанимим сийлайсиз очиқ кўзимча.  
Гўёки этамиз кўнгилларни чор,  
Сиз ҳам ўзингизча, мен ҳам ўзимча.

Дилларга чўкади сездирмай кадар,  
Дегандай ўзини санайди кимча?!  
Ўч олиш пайида ўтказдик умр,  
Сиз ҳам ўзингизча, мен ҳам ўзимча.

## **АЛМАШГИМ КЕЛАР**

**Синглим Хурсанойга**

**Ранглар синглим, дилпора синглим,  
Ололмадим ҳолингдан хабар.  
Узун тунлар тўлонаман, жим,  
Акаманми мен ҳам, алҳазар.**

**Қад кўтариб яна юрибман,  
Метин экан одам бардоши.  
Айланганин кўриб турибман,  
Бошларингда тегирмон тоши.**

**Одмим хато, турмушим хато,  
Дард кемирар ҳар лаҳза тани.  
Не деб аташ мумкиндири ҳатто  
Ҳол сўрашга ярамаганни?!**

**Кўплар сенга таъна тош отган,  
Юрагига чўкмишдир қадар.  
Мехрим дилда тош каби қотган,  
Мени қарға, мендан қил ҳазар.**

**Одам ўзин олиб юрар мард,  
Кўз тўлса-да ёшларга жиқда.  
Ишонмаслар енганига дард  
Тегмагунча боши ёстиқча.**

**Дуч келдингми довон, ровларга,  
Аямасдан заҳрин сочдими?!  
Ҳаётнинг бу синовларига  
Дош беролмай тобинг қочдими?**

**Ҳеч бирорга бермагайлар тан,  
Кўролмаслар ёниб жўшганни.  
Билмагайсан ногаҳон қайдан,  
Бошларингта зарба тушганин.**

**Талпинаман сен томон қараб,  
Сорингчлардан ҳаприқади жон.  
Мен билмадим, нимадир сабаб,  
Сен бир томон, кўплар бир томон.**

**Кўрдим ҳаёт ғавроларини,  
Аlam пинҳон бағримни тилар.  
Бу ўткинчи дунёларини  
Дийдорингта алмашгим келар.**

**Хушрўй синглим, дилпора синглим,  
Ололмадим ҳолингдан хабар.  
Узун тунлар тўлоняман, жим,  
Акаманми мен ҳам, алҳазар.**

## **БЕРМА, ҚЎЙ, ТАСКИН**

**Ўзимни омадли деёлмасман, чин,  
Ўйларга ботаман, оладирман тин,  
Кўнглимни кўтарма, берма, қўй, таскин,  
Мендайин толеи шўрга, Нилюфар.**

**Кўпчилик ўйноқлаб, чопиб юрибди,  
Ҳар лаҳза бахтини тогиб юрибди,  
Гуноҳи, айбини ёпиб юрибди,  
Эҳтиёт шарт мудом шўрга, Нилюфар.**

**Шодлик, ҳам юргайдир азал ёнма-ён,  
Ҳақ гапни айттанинг мудом бағри қон,  
Яшамоқ бўлмаган ҳеч вақт ҳам осон,  
Бир сўзли, эгилмас, ўрга, Нилюфар.**

**Сўқирлар англамас баҳосин зарнинг,  
Мияси ровламас эшиитмас — карнинг,  
Товланиб замонга мослашганларнинг  
Жойлари бўлгандир тўрга, Нилюфар.**

**Ўзимча дунёга равю солганман,  
Беҳуда чарх уриб ҳориб, толганман,  
Қадамда туртки еб, ўхшаб қолганман  
Ҳассасин йўқоттан кўрга, Нилюфар.**

**Лойик бир сўз йўқ деб бўлма хижолат,  
Йицилган кимсани гоҳ тепмоқ — одат,  
Ҳайратта солмагай мени бу ҳолат,  
Эзгулик йўғрилган нурга, Нилюфар.**

## **МЕҲРИБОН КАМ СЕНГА ЎҲШАГАН**

***«Шифоҳонада ёшлиган шеърлар»  
туркумидан. Гулсина***

**Жажжи синглим, тиимайсан бир зум,  
Лабларингда майин табассум.**

**Ҳозирдирсан ҳар кун зрталаб,  
Ҳамма қиласендан иш талаб**

**Ҳар юмушни эттайсан бажо,  
Чарчаш нима, билмассан асло.**

**Бирга: ҳорманг, торажон, дейсан,  
Бошқасига, оражон дейсан.**

**Беморлардан аҳвол сўрайсан,  
Кўнгилларни нурга ўрайсан.**

**Яшагайсан ёшингдан ўзиб,  
Хаёлларинг пар каби тўзиб.**

**Ният эзгу, хаёлларинг оқ,  
Қийин кўтонинг кўнгалин овламоқ.**

**Инжиқ ҳам бор менга ўхшаган,  
Мехрибон кам сенга ўхшаган.**

**Ҳорган бетоб юрагин очар,  
Кимдир сенга заҳрини сочар.**

**Бирор ётар ҳордиқ олгали,  
Пайт пойлайди раво солғали.**

**Билмас гапга қулоқ солишни,  
— Янгила, — дер, чойшаб, болишни.**

**Келтири, дейди, истаб қолса чой,  
Ҳисоблашмас вақт-ла, ҳойнацой.**

Унга шинам хона ёқмагай,  
Дейди: «Нега офтоб боқмагай?!».

Кўпdir ҳали ўзин билмаган,  
Эл нафи деб бир иш қилмаган.

Еладирсан, бечора, сингил,  
Билдиримайсан дарз кетса ҳам дил.

Боқий билган меҳр — қуёшни,  
Рамзиидирсан тоқат, бардошни.

\* \* \*

Адашганни кечиргайдирмиз,  
Тузатамиз хатоларини.  
Ёрдамга ҳам ҳар дам шайдирмиз,  
Тинглаб юрак садоларини.

Бизга эщдир бағри кенгликлар,  
Бунга мангу юлдузлар гувоҳ.  
Бонки ҳамлар қаддини тиклар,  
Сафга қайтар қилганлар гуноҳ.

Йўлдан урас бировни ўри,  
Виждоң қийнаб ўтда ёнганилар,  
Кўрсатамиз манзилни тўри,  
Касби-кордан, бурчдан тонганилар.

Лекин қасблар бордир ҳар бир он,  
Соҳибларин ҳалқумида жони.  
Бир тутмани босса ногаҳон,  
Остин-устун қилас дунёни.

Улар доим аҳдида маҳкам,  
Дилин асло ёндиримагай кин.  
Бундайларга яраттани эгам,  
Ҳар сония инсофин берсин.

Армон бўлиб кўксимиш тилган,  
Ўтар бари – ёлроилар, чинлар!  
Инсой умри қўлида бўлган,  
Дўхтиrlар ҳеч адашмасинлар.

## ЕФИЛСИН СИЗГА

Элнинг севими ҳофизи  
Тожиддин Муродов хотирасига

Саноқли фарзандлар эл ҳуснига зеб,  
Фарз эрур уларни айламоқлик ёд.  
Сизни бу ҳаётдан эрта кетар деб,  
Ким ҳам ўйлаганди Тожиддин Мурод.

Ногаҳон тинибdir жўшқин созингиз,  
Кўзда ёш, тинглайман юрагим сасин.  
Тасмаларда қолган хуш овозингиз,  
Вужудни сел қилиб янграп «Ғамзасин».

Нафосат қилғанди кўнглингиз асир,  
Элга хизмат қилмоқ энг олий ният.  
Ёниб кўйлардингиз қўшиқни ҳар бир,  
Доимо ёнма-ён бурч, масъулият.

Кўп эрта кўргансиз шуҳратни, шонни,  
Борлигингиз улар этолмаган ром.  
Унутган эмассиз боқий армонни,  
Ижодкор деганинг ўзи улур ном.

Жаҳонни кўрдингиз туриб узоқдан,  
Сиз яхши биласиз инсон феълини.  
Жейновдек олис бир яшаб қишлоқдан,  
Забт этмоқ осонми кўплар дилини?!

Муносиб ворисдир укангиз Пўлат,  
Санъатта баҳш эттан бир умр дилни.  
Фарзандлар кўнглида орзулар қат-қат,  
Халқ севиб олқишлиар Шарофиддинни.

Қўлдан тушмагандир сўнгти дам ҳам соз,  
Ёркин ҳаётингиз мактабдир бизга.  
Шогирдлар дилига уйроттан ихлос,  
Оллоҳнинг раҳмати ёрилсин сизга.

## **МЕН КЕТДИМ, ҲАЙР**

Ёттан эдим шифтта термулиб,  
Кўкка етмай фирону нолам.  
Бетоблигим кимдандир билиб,  
Кириб келди қишлоқдан холам.

**Нима қилди, сорлиинг қалай,**  
**Етарлими дори-ю дармон.**  
Даволаниш яхши, ҳар қалай,  
Ҳар бир лаҳза омонатдир жон.

Фойда қилар сут, асал есанг,  
Хуруж қилмас кўксингда юрак.  
Тезроқ шифо топайин десанг,  
Кайфиятни кўтармоқ керак.

Гап қайтарма, бир пас қулоқ сол.  
Бугун алдар ҳатто қорилар.  
Синчика-да, сўнг текшириб ол.  
Ясамадир ҳозир дорилар.

Айтганни Сен қилмадинг, асли,  
Умринг ўтди бекорга ҳориб.  
Бир ёш йигит жон этди таслим,  
Онасини кўргани бориб.

Нордай одам, кўрувдим кечा,  
Ичма деса, гапга кирмади.  
Маст ҳолида ухлаганича,  
Ёттан жойдан қайтиб турмади.

Кечгин энди қалам, қороздан,  
Бозор билав шугуллан секин.  
Қон босими ошиб, нохосдан,  
Бир муаллим ўлиб қолди, чин.

Бўлиб кетган ҳамма муттаҳам,  
Қўнглин овлар таниш-билишни.  
Ўқимаган – билмайди ҳеч ҳам,  
Ҳамширалар укол қилишни.

Дўхтирлар ҳам қилмас сўзингни,  
Даволайди қараб зўрингта.  
Бошқани қўй, ўйла ўзингни,  
Бирор бориб кирмас гўрингта.

Ҳар бир лаҳза бўлиб юр ҳушёр,  
Елғиз ўзинг қилмагин сайд.  
Айттин бўлса камчилик бирор,  
Тезроқ тузал, мен кетдим, хайр.

## ДЕКАБР

Ястаниб чайқалар бедудуд денгиз,  
Қирғоқда етай деб интилар кема.  
Қўнгилда орзулар жўш урап тенгсиз,  
Ҳар қандай ташвиш ҳам топгай хотима.

Ҳаётни ардоғлаб боқий дегаймиз,  
Мудом мубҳам эрур унинг кўп сири.  
Гоҳида мақтаниб панд ҳам егаймиз,  
Нафосат, баҳтнинг ҳам бордир охири.

Ҳисларни қиёслаб оташга, чўғга,  
Севгимиз мангу деб ичамиз қасам.  
Юрак дер, ўзингни урмагин тирта  
Сен билган дунёнинг доим бири кам.

Аста шивирлашиб барги ҳазовлар,  
Нисбийлик дарсини эслатер тақрор:  
— Танларда омонат ҳар лаҳза жонлар,  
Ҳар битта туйгуниң интиҳоси бор.

Хаёллар бетиним чарх урар, шу тоб,  
Етишмай қолади қаноат, сабр.  
Умримни қилгали ҳар йил сарҳисоб,  
Энтиқиб кутаман Сени декабр.

## ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

Тарихга айланди бу йил ҳам аён,  
Қулорим тутаман мозий сасига.  
Эзгу тилагимни айлагум баён,  
Мен туриб янги йил остонасида.

Юрагим тафтлари мангу сўйимас чўр,  
Ҳар тузган режаси фақат ўзга хос.  
Қашқадарё номли бу жойга — улур  
Оллоҳниң назари тушганлиги рост.

Кечаги орзулар айланди чинга,  
Ҳар битта қадами қатъий, мустаҳкам.  
Тинмасдан жилади қараб олдинга,  
Эли ҳам бирордан эмас асло кам.

**Қадлари юксалгай кўзлар ўнгида,  
Дунё ҳам бастига бергай бугун тан.  
Ҳар қилган ишини йилнинг сўнгида  
Сарҳисоб қилмоқлик одатта кирган.**

**Пок, ҳалол меҳнат-ла шон, шуҳрат қучиб,  
Кўкрагин ҳар лаҳза керган халқи бор.  
Аждодлар излари кетмаган ўчиб,  
Ҳар битта асрорга излаб топган кор.**

**Пок руҳлар хаёлни келгайлар босиб,  
Бугунга кечмиши бўлгай асли эш.  
Ўзиннинг баҳосин олди муносиб,  
Маърифат ўчори азим шаҳри — Кеш.**

**Истиқмол йўлларин ёритган чироқ.  
Диллар нурағшондир фарзанд билмидан.  
Дунёга азалдан бергандир сабоқ,  
Ал Муъин Насафий қалом илмидан.**

**Зулматлар бағрини келгайлар тилиб,  
Ҳар босган изини ўраблар зарга.  
Шавкатта буркангай елиб, интилиб,  
Парво қилмасдан дўқ, пўписаларга.**

**Мен унга юрақдан тилайман зафар,  
Ўрил-қиз борлардан гул, чечак терсин.  
Эртанги ҳар куни бўлсин мунаvvар,  
Обрў, зътибори юксалаверсин.**

**Собит бўлсин мудом сабри, бардоши,  
Доимо ёр бўлсин саодат, омад.  
Мардликлар тимсоли танти қондошим,  
Қардошлар баҳтига бўлсин саломат.**

**Табиат юз очсин кийиб оқ либос,  
Шодликка чулғансин боқий ҳар бир дил.  
Буюк келажакка қўяйлик ихлос,  
Дўстлар, қутлур бўлсин Сизга янги йил.**

\*\*\*

**Ҳузуримга бир кимсани олиб кириб,  
Иккиланмай тавсиялар қиддинг такрор.  
Қўрқгум ишонч бермаса деб бир кун фириб,  
Кўзларидан уқолмадим маъни бирор.**

**Хаёлимни гуллар билан ўрагандим,  
Мен кўнглига топмоқ учун изладим йўл.  
Қариндошли дебон сени сўрагандим,  
Шунчаки бир таниш дея силтади қўл.**

**Шубҳа, гумон юрагимда тошдай қотди.  
Ўлатираман хаёлларга чўкканча жим.  
Манфаат-чун арzon гаров сени сотди,  
Мени сотмас деб кафолат беради ким?!**

\*\*\*

Ўй, ҳижронлар бағримни тилиб,  
Хаёлинг-ла тонглар отдиlar.  
Дуч келганда ерга тикилиб  
Сиримни кўзларим сотдиlar.

Номинг айтиб чарчамас созим,  
Орзулар тош каби қотдиlar.  
Сўзлашганда титраб овозим,  
Сиримни сўзларим сотдиlar.

Ҳаловатдан мутлақо тониб,  
Ой, қуёшim эрта ботдиlar.  
Қизариблар, лов-ловлар ёниб,  
Сиримни юзларим сотдиlar.

Чарчамасман мен сени кутиб,  
Ҳижронларда зардобрар ютиб.  
Қайта-қайта кўчангдан ўтиб  
Сиримни изларим сотдиlar.

## ДЎСТИМ НИДОСИ

Бошимда айланар фасли куз,  
Ўлим-ла турибман юзма-юз.  
Дунёдан келмайди юмгум кўз,  
Дилимда бир армон бор фақат.  
— Сен нима қиласан, Малоҳат?

Парволар қиласдан таҳқирга,  
Лаънатлар айтмасдан тақдирга,  
Суяниб яшадик бир-бирга,  
Юзини бурса-да саодат,  
Айт, нима қиласан, Малоҳат?

Бўлиб ўтдик бир меҳрга зор.  
Тунларни ўтказдик кўп бедор.  
Дардимиизга топилмади кор.  
Тошдек қотди орзулар қат-қат.  
Айт, нима қиласан, Малоҳат?

Ўртанади юрагим сим-сим,  
Жонларингта тилайман тўзим,  
Очиқ қолган кўзларимни юм,  
Бўлиб қолган зил кетмоқ одат,  
Айт, нима қиласан, Малоҳат?

Фулу дилга ғалаён солгай,  
Биздан на бир ўчмас из қолгай,  
На бир ўғил, на бир қиз қолгай,  
Мен ёниб севганим, эй сарвиқомат,  
Айт, нима қиласан, Малоҳат!

Фоний дунё — ҳамма ўтар йўл,  
Сўлар бир кун ҳар очилган гул,  
Майли, жоним, мендан рози бўл,  
Тилай сенга бардош ва тоқат.  
Айт, нима қиласан, Малоҳат?

# **МУРҒАК ҚАЛБ ФАРЁДИ**

*Ризаматжонга*

Кўзларимдан аримайди нам,  
Хаёлларим берубор, тиник,  
Кўкка парвоз айлайин десам  
Полопонман қаноти синик.

Шикастланган беҳуда асаб,  
Шоҳ кўнгилнинг сунбулидирман.  
Устун келган қаҳр ва ғазаб,  
Сархушиликнинг маҳсулидирман.

Ўйнааб юргум келади чопиб,  
Оёқларим бергайдирлар панд.  
Ўлтираман айбимни ёпиб,  
Этолмагай ҳеч нарса хурсанд.

Илож қанча, кўниқдим бунга,  
Дунё билан йўқдир ишларим.  
Умиқ борлаб зартани кунга,  
Ўтиб борар ёзу қишлирим.

Ҳовли қилас торлиқ ҳамда зиқ,  
Дил ёришмас ёқса ҳам чироқ.  
Камситишлар ҳаддидан ортиқ,  
Улғайтирди мени эртароқ.

**Дадамнинг ҳеч мен-ла иши йўқ,  
Устун билар ўзин оламга.  
Ҳар бир оҳим — кўксидаги ўқ,  
Раҳмим келар мушфиқ Онамга.**

**Юзларига ҳоринлик инган,  
Тополмаган ҳаловат, ором,  
Инжиқлигим, сўзимга кўнган,  
Яхшиям бор баҳтимга бобом.**

**Бувижоним ёқтирмас мени,  
Пардозлардан қўли бўшамас.  
Набирага тиккан жонини,  
Момоларга сира ўхшамас.**

**Хушламайман қичик тоғамни,  
Кўрса менга дакки бергайлар.  
Койигайлар баъзан онамни,  
Йўқотмоқда ҳар лаҳза шайлар.**

**«Отни миниб олиста бўйла,  
Кам эмассан сен ҳам ҳеч кимдан.  
Қўй ўшангни, ўзингни ўйла»,  
Деганилари ўчмас қалбимдан.**

**Суямаса юролмам бирор,  
Оқсагайман озгина чапга.  
Маймоқлигим билинди дарров,  
Борганимда бу йил мактабга.**

Босмоқ мушкул олдинга қадам,  
Болишлар хўл кўз ёшларимдан.  
Мен қанчалик уринмайин ҳам,  
Ортта қолгум тенгдошларимдан.

Қўшилолмай қийналгум гапга.  
Тишлагайман шундан тилимни.  
Бориб турсам баъзида сафга,  
Пеш қиларлар мажруҳлигимни.

Ўқиши ким истамайди, бас,  
Қувончларим бир жаҳон эди.  
Мактабга ҳеч оёrim тортмас,  
Ҳатто ундан кўнглим совиди.

Кўргим келар шудлигим баҳам,  
Майли дардлар қилса ҳам адо.  
Ожизлигим қиласи алам,  
Юрагимдан ёрилар нидо:

— Мұхаббатдир гулҳаётта зеб,  
Бурч юкланган ҳар изингизда.  
Бир лаҳзалик ҳаловатни деб,  
Болта урманг илдизингизга.

Дунё асли Сиз билан тирик,  
Бебаҳоим, Сиз — дурдоналар.  
Нафста қилманг лайнни шерик.  
Яратгувтим — Ота-оналар.

## **КЎЗ ТЕГМАСИН**

**Алломишига**

Буйи-басти ҳамолингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин,  
Муррак эзгу хаёлингга кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.  
Қизиқтирас сени дунё, фалакнинг  
сир-синоати,  
Донишга хос саволингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.  
Келбатларинг монанд эрур умрбокий  
чин исмингга,  
Чинор янглия ниҳолингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.  
Қайрилмадир киприкларинг юзларингта  
солмиш соя,  
Юсуфдек ой жамолингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.  
Ақдан ҳам заковатда тенгдошлардан  
ўзибдирсан,  
Вужуд ёқкан руҳ, ҳолингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.  
Отанг қылган орзуларга муносаб бўл,  
умид сендан,  
Порлоқ нурли иқболингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.  
Дуо айлаб мен дегайман фахр этайин  
ютурингдан,  
Ризқ-насиба, ҳалолингта кўз тегмасин,  
кўз тегмасин.

## **МЕҲР КЎРСАТ, МУРУВВАТ ҚИЛ**

Омонатдир ўтаётган ҳар дам, он,  
Сўнар бир кун юрақдаги ўт, турён,  
Ҳаётингда бўлиб қолса гар имкон  
Меҳр кўрсат, мурувват қил, мурувват.

Кимдир чўкар ногаҳонда ўй, ғамга,  
Сирмай қолар бу ҳудудсиз оламга,  
Қўни-қўшни, қўли қалта одамга,  
Меҳр кўрсат, мурувват қил, мурувват.

Тириклик ҳам билсанг асли имтиёз,  
Олга интил, кўкка караб қанот ёз,  
Саховатлар боболардан бир мерос,  
Меҳр кўрсат, мурувват қил, мурувват.

Пеш қилмагин элга баҳшилигингни,  
Гул ҳаётнинг кўрки-нақшилигингни,  
Унут бирдан қилган яхшилигингни,  
Меҳр кўрсат, мурувват қил, мурувват.

Омадсизнинг юришмагай ҳеч иши,  
Борларига эрта қўнар куз, қиши.  
Эзгиламай қаттол турмуш ташвиши  
Меҳр кўрсат, мурувват қил, мурувват.

Юрганлар кўп шон-шавкатдан кўз тиниб,  
Ерни кўрмас юрган пайтда от миниб,  
Эй, Исмоил, эзгуликни соғиниб  
Меҳр кўрсат, муруват қил, муруват.

\* \* \*

Сени кўриб йўқолди тинчим,  
Тарқ айлади шодлик, севинчим.  
Бу дунёда ёлғиз илинжим —  
Сени дерман сўнгти дамгача.

Эсди тинмай шамоллар, еллар,  
Ёриб ўтди ёмирилар, селлар,  
Ўзгарди хулқ-атворлар, феъллар,  
Сени дерман сўнгти дамгача.

Ишқ, муҳаббат — иноят, инъом,  
Бегонадир ҳаловат, ором,  
Номинг мен-чун шаҳодат, қалом,  
Сени дерман сўнгти дамгача.

Тинмагайдир кўзларим ёши,  
Тошдан қаттиқ ошиқ бардоши,  
Ўзингдирсан қалбим қуёши,  
Сени дерман сўнгти дамгача.

Ой, юлдузлар — ҳавасларимдир,  
Кўк садоси — дил сасларимдир,  
Шабодалар — нафасларимдир,  
Сени дерман сўнгти дамгача.

**Ўзгаради эътиқод, динлар,  
Унут бўлар гина-ю кинлар,  
Исмоилни синайверсинлар,  
Сени дерман сўнгти дамтacha.**

\* \* \*

**Қайси бир номардга эттандир насиб,  
У — нафис аталган иболар, нозлар.  
Ногаён келади хаёлим босиб,  
Айтилмай қолган зил дилдаги розлар.**

**Хижронда ўртаниб қонлар ютаман.  
Жиловлаб қўйилган юракларда эрк.  
Сизни соринаман, Сизни кутаман,  
Сиз-чи келолмассиз, йўлларингиз берк.**

\* \* \*

**Бўлмасангиз мунча бешафқат  
Нега керак дили озорлик.  
Мен бор учун чексиз, беадад  
Дунё Сизга қилгайми торлик?!**

**Қай ютурум бермагай ором,  
Не топарсиз мен-ла тирашиб.  
Мен бир ғариб, юргайман мудом  
Ўзим билан ўзим курашиб.**

\* \* \*

Бугун Сизнинг ишингиз олчи,  
Кулиб боқдан баҳт, омад, иқбол.  
Башоратлар қилгайдир фолчи,  
Топгай дея янада камол.

Қаршингизда титраблар, қақшаб,  
Турадирман илтифот кутиб.  
Танга топган гадога ўхшаб  
Танимасдан кетмангиз ўтиб.

\* \* \*

Юрагимдан ёғилади уи,  
Кўзларимдан ёшлар қуйилар.  
Висолингни мадҳ этсам бугун,  
Кўтчиликка эриш туолар.

Ҳар бир лаҳза ўртайди ҳижрон,  
Майли, раним устимдан кулсин.  
Хаёлларинг тарқ этмас жонон,  
Сени куйлаб ўтаним бўлсин.

\* \* \*

Рашкин қўзлаб юнимим билан,  
Топишмоқлик асло шарт эмас.  
Муқаддасдир менинг учун шаън,  
Битта сўз ҳам етиб ортар, бас.

**Ҳаётимга бўлолмадинг зеб,  
Хира торгди инсоф, диёнат.  
Сен ҳавойи орзу-ҳавас деб,  
Ҳисларимга қилдинг хиёнат.**

## **АЗИЗАГА**

**Дил тутуним тарорисан, Азиза,  
Кўзларимнинг қарорисан, Азиза,  
Манзил – зулмат, қаро мубҳам тун эди,  
Йўлларимнинг чирорисан, Азиза.**

## **ТЕМУРГА**

**Эзгулик айласин хаёлингни банд.  
Ишончинг бермасин ҳеч вақт сенга панд.  
Жўш урсин боболар қони танингда,  
Жисминг бўлсин ҳар он исмингта монанд.**

## МУНДАРИЖА

Ватан .....	3
Хад .....	4
Ортага кеч бўлиши мумкин .....	5
Қиалгин шукронা .....	6
Виждан азоби .....	7
О, ҳур қизлар .....	10
Ифтихорим кўргонидирсан .....	11
Ўзингта қайтаман даёт .....	12
Онажоним бор .....	15
Болаликни кўмсаш .....	16
«Дарё тўлиб, сой, андор тошгай...» .....	18
Сизни кўргим келаверади .....	19
«Кўп бедуда елиб-елганман...» .....	20
«Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим...» .....	20
Яшагим келди .....	21
«Сизга йўлдош қилди таҳдири азал...» .....	22
Юксаклик гашти .....	23
Сенга йўл бўлсин .....	24
Холат .....	25
Излаганинг баҳт .....	26
«Ҳасад бўлмиш кўнглинг аро жо...» .....	28
«Дов-дараҳт яланроч...» .....	29
Цирқда .....	30
Нима бўлди, жонивор? .....	30
Майин таралади .....	32
Йўқотгим келмади .....	33
Жунсаннинг Чи Линга дегани .....	34
Ошно бўлиб қололмасмиз биз .....	34
«Мен яшаб юрибман...» .....	35

Айт, қандай қайтарай?	36
«Ялтоқликлар қилмагин юрак...»	37
«Кадар чўқар гоҳида дилга...»	38
Ҳасрат	39
«Боролмасман сиз томон...»	40
Кемтиқ бўлиб қолар	41
«Авжга чиқар тошқинлар, селлар...»	42
Орзуларинг йўлдош бўлсин	43
Кечмагайман орзуларимдан	44
Қишлоғим	45
«Чорраҳа» китобини ўқиб	46
«Ҳаққимиз йўқ асло...»	48
Рашқ	49
Матонат куйчиси	50
Доим бўл омон	51
Қўлдан ҳалам тушмасин	52
Кечиринг, опа	54
Шарофиддин қидоси	55
«Совурмасдинг умрингни ўртоқ...»	56
Бегонаси бўлмас	57
Манзилга еттайсиз	58
Мунозара	60
Рўпара келдим уч йўлга	61
Керак бўлди	62
Бахти бўламиз	63
Чавандозлар қўшири	64
От монологи	65
Қашқадарё отлари	67
Сиз ҳам ўзингизча...	69
Алмашгим келар	70
Берма, қўй, таскин	71

Меҳрибон кам сенга ўхшаган .....	72
«Адашганин кечиргайдирмиз...» .....	74
Ёрилсин сизга .....	75
Мен кетдим, хайр .....	77
Декабр .....	78
Янги йил тилаклари .....	79
«Хузуримга бир кимсаны...» .....	81
«Ўй, ҳижронлар бағримни тилиб...» .....	82
Дўстим ниdosи .....	82
Мурғак ҳалб фарёди .....	84
Кўз тегмасин .....	87
Меҳр кўрсат, мурувват қил .....	88
«Сени кўриб йўқолди тинчим» .....	89
«Қайси бир номардга...» .....	90
«Бўлмасангиз мунча бешафқат...» .....	90
«Бутун сизнинг ишингиз олчи...» .....	91
«Юрагимдан ёрилади ун...» .....	91
«Рашким кўзраб ранимим билан...» .....	91
Азизага .....	92
Темурга .....	92

# ИСМОИЛ ТҮХТАМИШЕВ

## Ҳ А Д

Мұхаррирлар А.ҚҰТБИДДИН

А.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Бадий мұхаррир

Б.БОЗОРОВ

Техник мұхаррир

Е.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиқ

Н.МИНАҲМЕДОВА

Компьютерда

сабірлекчи

Ф.БОТИРОВА

ИБ № 4088

Босиши 17.10.2005 да руисат этилди. Бичими 70x84 1\32.

Босма тобоги 3,0. Шартты босма тобоги 3,51.

Адади 1000 яуха. Буюртма № 214.

Баҳоси келишилгани нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбас марказында тайёрланды.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700119. Тошкент, Чалонзор-8, Қатортол күчаси, 60.